


ТИЗИМЛИ ЛИНГВИСТИКА



Самарқанд 2012

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

А.С. Раҳимов

ТИЗИМЛИ
ЛИНГВИСТИКА

Самарқанд - 2012

SamDCHTI ARM

№

Раҳимов Аҳмад Султонович. Тизимли лингвистика. Ўқув-услубий қўлланма. -Самарқанд: СамДЧТИ нашри, 2012. - 92 бет.

Мазкур ўқув-услубий қўлланма Самарқанд давлат чет тиллар институтининг услубий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган бўлиб, унда ўз ифодасини топган шмий-назарий маълумотлар 5А 220102–лингвистика мутахассислиги бўйича таҳсил оладиган магистрларга мўлжаллаб тузилган “Тизимли лингвистика” фанининг намунавий дастуридан (Тошкент-2006) ўрин олган мавзуларни ўзлаштиришга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

ф.ф.д., профессор Н.Қ.Турниёзов

Тақризчилар:

**ф.ф.н., доцент Х. Хайруллаев,
ф.ф.н., доцент Н. Бегалиев**

КИРИШ

Тил жамиятда моддий, маънавий бойликларнинг ифодаси сифатида юзага келган ижтимоий онг маҳсулидир. Тилнинг табиати, моҳияти, жамиятда тутган ўрни, ички механизми ва ишлаш тамойилларини илмий-назарий жиҳатдан идрок этишга интилиш инсоният тарихининг кўп асрлик ўтмиши билан боғланади. Бу соҳада олиб борилган кўп асрлик изланишлар туфайли ўтган асрнинг бошларида систем-структур тилшунослик номи билан юритилувчи лингвистик йўналиш вужудга келди. Тилшуносликнинг бу йўналиши ҳақидаги дастлабки маълумотлар бакалаврият босқичида ўтиладиган «Тилшуносликка кириш», «Умумий тилшунослик», «Тилшунослик тарихи», «Назарий грамматика» сингари фанлардан олинади.

Шундай экан, “Тизимли лингвистика”нинг дастуридан ўрин олган мавзулар ана шу фанлардан олинган билимларнинг изчиллигини таъминлаш ва чуқурлаштиришга хизмат қилади. Ушбу фан дастуридан ўрин олган асосий мавзулар тил ва нутқ ҳодисаларига хос умумийлик ва хусусийлик, моҳият ва ҳодиса, имконият ва воқелик каби дихотомик қонуниятлар ҳақида баҳс юритишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Ўз навбатида, бу мавзулар «Фалсафа», «Мантик», «Социология», «Психология» каби фанлардан олинган билимларни мустаҳкамлаш вазифасини ҳам бажаради. Бир сўз билан айтганда, «Тизимли лингвистика» фанининг асосий мақсади лингвистика мутахассислиги бўйича таҳсил оладиган магистрларни тилшуносликнинг муҳим назарий масалалари билан қуроллантирган ҳолда, уларда илмий изланиш, мушоҳада юритиш кўникмасини ривожлантиришдан иборатдир.

Жаҳон тилшунослигининг улкан ютуқларидан бири бўлган тизимли ёндашувнинг вужудга келишида хорижий тилшунослар эришган ютуқлар билан бирга, бу соҳага доир миллий тилшунослигимизга даҳлдор манбалардан ўрин олган фикрларни

жамлаш, кунт билан ўрганиш ҳам ушбу фаннинг вазифасига киради. Зотан, ўзбек халқи дунё фани ривожига улкан ҳисса қўшган юзлаб алломаларни етиштирган қадимий халқнинг ворисидир. Ана шу ворислик Президентимиз томонидан эътироф этилган икки вазифани, яъни: биринчидан, “Илму фан соҳасидаги ҳаракатларимизни ҳам, илмий ишларимиз ва ютуқларимизни ҳам дунёдаги энг илғор мезонлар билан ўлчаш...”¹, иккинчидан, “... авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик”ка² эришиш вазифасини юклайди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда олиб бориладиган илмий тадқиқотлар ва яратиладиган янги авлод ўқув адабиётлари ана шу талабларга мувофиқ бўлгандагина ўсиб келаётган авлодни замонавий тилшуносликнинг ютуқларидан баҳраманд этиш билан бирга, буюк аждодлар меросига меҳр-муҳаббат ва ҳавас уйғотади, уларнинг қалбида ворислик ҳиссини туйишга имкон яратади. Кейинги йилларда ана шундай руҳда яратилган ўқув адабиётларининг чоп этилаётганлиги қувонарлидир. Жумладан, А.Нурмоновнинг “Ўзбек тилшунослиги тарихи”, Р.Расуловнинг “Умумий тилшунослик” каби дарслик ва ўқув қўлланмалари шулар жумласидандир. Ушбу ўқув-услубий қўлланманинг яратилишида ана шундай тажрибаларга таянилди.

¹ Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. 2-китоб. –Т.: Ўзбекистон, 1998. 80-бет.
Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т.: Ўзбекистон, 2008, 142-бет.

ТИЛШУНОСЛИКНИНГ ТАРИХИЙ ТАРАҚҚИЁТИ ВА СИСТЕМ ТИЛШУНОСЛИК

1-§. Тил ва тилшунослик фани

Тил кишилик жамиятининг тарихий тараққиётида ижтимоий онг маҳсули сифатида юзага келиб, моддий, маънавий ва маданий бойликларнинг ифодаси сифатида хизмат қилувчи мураккаб тизимдир. Тилнинг табиати, моҳияти, жамиятда тутган ўрни, ички механизми ва ишлаш принципларини илмий-назарий жиҳатдан идрок этишга интилиш уни таърифлашдаги турлича нуқтаи назарлар ифодаси мисолида яққол кўзга ташланади. Жумладан, тил: 1) ижтимоий аҳамиятига кўра, кишилар ўртасидаги энг муҳим фикрий алоқа қуроли бўлиб, хабар етказиш, сақлаш ва қабул қилиш воситаси ҳисобланади; 2) ички курилиш нуқтаи назаридан, турли лингвистик унсурлар ва уларнинг ўзаро муносабатини таъминловчи қоидалар мажмуидир; 3) доимий барқарор ҳодиса сифатида эса, жамият аъзоларининг фаолият маҳсули бўлиб, нутқ товушларининг муайян маъно билан бирлашуви асосида рўёбга чикувчи ҳосилладир; 4) информация (коммуникация) назариясига кўра, тил муайян маълумотни кодлаштириш имкониятини берувчи ҳодисадир; 5) семиотик нуқтаи назарга кўра, тил белгилардан ташкил толувчи яхлит тизимидир. Тилга хос ана шундай серқирра жиҳатлар ҳисобга олинган ҳолда, қуйидагича таърифланади: тил бевосита кузатишда берилмаган ижтимоий ҳодисадир. У жамият аъзоларининг онгида виртуал ҳолда мавжуд бўлиб, улар учун тайёр, умумий, мажбурий бўлган, фикрни шакллантириш ва уни нутқ асосида актуаллаштириш (моддийлаштириш)га хизмат қиладиган элементлар ҳамда ушбу элементларнинг ўзаро бирикиши, боғланишини белгиловчи конун-қоидалар йиғиндисидан иборат мураккаб системадир. Ушбу системанинг амалий асоси нутқ орқали кўзга ташланади. Зеро, нутқ тилнинг намоён бўлиши, рўёбга чиқиши, воқеланиш шакли бўлиб, у бевосита кузатишда берилган моддий ҳодисадир. (Неъматов Х., Бозоров О.1993: С. 5- 6).

Тил ҳақидаги ана шундай умумий ва хусусий жиҳатларни ўрганувчи фан тилшунослик ёки лингвистика деб юритилади,

ушбу фанининг тадқиқот объекти тилдир. Тилнинг ижтимоий вазибалари, тарихий тараққиёти ва хилма-хил таснифий белгилари, ички структураси, механизмлари ҳамда уларнинг ишлаш принциплари тилшунослик фанининг предметини тақозо этади. Санаб ўтилган бу муаммолар лингвистика фанининг дастлабки икки муҳим тармоғи доирасида, яъни *амалий ва назарий тилшунослик* доирасида ўрганилади.

Амалий тилшунослик лингвистиканинг дастлабки босқичи бўлиб, у тилнинг амалдаги фаолияти орқали кузатиладиган талаффуз, имло ва стилистик меъёрларига доир аниқ фактларни таҳлил қилиш билан шуғулланади. Шу асосда тил имкониятларидан тўғри ва самарали фойдаланишнинг усуллари ва қонун-қоидалари ишлаб чиқилади, тажрибалар тўпланади. Амалий тилшуносликнинг дастлабки ривож қадимги Ҳинд, Хитой, Араб ва Ўрта Осиё тилшунослари томонидан яратилган грамматикага оид ҳамда талаффуз, имлога доир асарлар, турли луғатлар мисолида кўзга ташланади. Унинг замонавий ривожини олиб борилаётган фундаментал тадқиқотлар ҳамда она тили ва хорижий тилларни ўқитишга мўлжалланган дарслик ва қўлланмалар, луғатлар мисолида қайд этиш мумкин.

Назарий тилшунослик тил системаси ва структурасини ташкил этувчи бирликлар, улар ўртасидаги муносабат билан алоқадор ички қонун-қоидалар тавсифи ҳамда тилнинг экстралингвистик (тил ва жамият, тил ва тафаккур, тил ва маданият, тил ва дин, тил ва тараққиёт каби) муаммолари таҳлили билан шуғулланади. Назарий тилшунослик ҳамisha амалий фаолият натижаларини эмпирик ҳолда умумлаштириш асосида ривожланади. Бакалаврият босқичида ўрганилган «Тилшуносликка кириш», «Умумий тилшунослик», «Тилшунослик тарихи», «Назарий грамматика» ҳамда «Тизимли лингвистика» китоблари назарий тилшуносликка оид фанлардир.

Тилшунослик фанининг бу икки тармоғи *умумий ва хусусий тилшунослик* доирасида тараққий этиши мумкин. Умумий тилшунослик фанининг текшириш объектини инсон тили билан боғлиқ назарий ва амалий масалалар ташкил қилади. Бошқача қилиб айтганда, бу фан орқали дунёдаги тиллар бўйича олиб борилган кузатишларни умумлаштириш ва ана шу асосда

тилларнинг структураси, фаолияти ва тараққиётига хос муштарак қонуниятларни аниқлаш билан алоқадор вазифалар ечмига эътибор қаратилади.

Хусусий тилшуносликда амалий ва назарий аҳамиятга молик бўлган масалалар аниқ бир тил (масалан, ўзбек, рус, инглиз) мисолида тадқиқ этилади. Масалан, «Ўзбек тилининг назарий грамматикаси», «Инглиз тилининг назарий грамматикаси» каби фанлар ҳамда «Тилшуносликка кириш», «Умумий тилшунослик» ва «Тизимли лингвистика» фанлари хусусий ва умумий тилшуносликка доир муаммоларга дахлдорлиги билан фарқланади.

Тилшунослик фанининг кенг миқёсдаги ривожини бу соҳанинг тадқиқот объектига доир муаммолар кўламини биргина соҳа доирасида тугал ҳал қилиб бўлмаслигидан далолат бера бошлади. Шу боис, мазкур фаннинг бошқа соҳалар билан ҳамкорлиги асосида ҳам янги-янги йўналишлар юзага кела бошлади. Жумладан, паралингвистика, психоллингвистика, социоллингвистика, этнолингвистика, нейролингвистика, математик лингвистика, компьютер лингвистикаси, лингвофалсафа, лингвокултурология, лингвокогнитология каби йўналишлар тилшуносликнинг бошқа соҳалар билан ҳамкорлиги асосида вужудга келган фанлардир (Расулов.Р.2010:165). Тил ана шу соҳаларнинг барчаси учун асосий тадқиқот объекти бўлиб хизмат қилади.

2-§. Қадимги давр тилшунослиги

Тилшуносликнинг ўзига хос тадқиқот объектига эга бўлган фан сифатида шаклланиши инсоният тарихининг кўп асрлик илмий фаолияти билан боғлиқ. Ўтмишда бу соҳанинг тадқиқот объектига бўлган муносабат турлича бўлган. Шунинг учун ҳам бу масалани тилшуносликнинг тарихий босқичлари билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

“Умумий тилшунослик” фанидан маълумки, қадимги давр тилшунослиги Ҳинд, Юнон, Искандария, Рим, Хитой, Араб, Ўрта Осиё тилшунослари томонидан олиб борилган изланишлардан ташкил топади. Худудий ва даврий тафовутларга қарамай, қадимги давр олимларининг

тилшунослик билан шуғулланишларига туртки бўлган асосий омиллардан бири ўтмиш меросини ўрганиш орқали халқнинг тинч-тотув, фаровон турмиш кечириши учун қулай шароит яратишдек эзгу мақсадга хизмат қилиш бўлган. Хусусан, қадимги Ҳинд тилшунослигининг вужудга келиши диний қўшиқлар, мадҳиялар ва афсоналарни ўзида бирлаштирувчи Ведалар тили ва амалдаги тил ўртасидаги тафовутни бартараф этиш орқали улардаги диний, фалсафий мулоҳазаларни халққа етказиш, оммалаштириш учун шароит яратишга туртки бўлган. Ана шу мақсадда Яски, Панини каби олимлар сўз ва унинг таркиби (ўзак, негиз, қўшимча), уларнинг фонетик ва морфологик таҳлили билан шуғулланишган. Шу асосида амалий тилшуносликнинг дастлабки асослари вужудга келган.

Қадимги Юнонистонда эса тилшунослик фани ёзма манбалар тадқиқи билан бир қаторда, тилнинг фалсафий талқини асосида ўз ривожига эга бўлди. Жумладан, Протогор, Платон, Аристотель каби алломалар тилни ўз даврининг фалсафий қарашлари билан боғлиқ ҳолда изоҳлашган бўлса, Искандария (Александрия) тилшунослигининг Зенодот, Аристрах, Дионис, Апполон, Дискос каби вакиллари Гомер, Эсхил, Софокл каби адибларининг асарлари устида фаол тадқиқотлар олиб боришган. Рим тилшунослигида эса, қадимги Юнон ва Искандария тилшунослигида қўлга киритилган ютуқларни латин тилига татбиқ этиш ва мавжуд терминларни латинлаштириш асосида тартибга солиш орқали бу давр тилшунослигининг ривожига ўз ҳиссаларини қўшишган.

Ҳар бир даврда фаннинг равнаки ўз даврининг илғор фалсафий қараш ва ғояларидан озикланади ва бундай қарашлар фанлар ривожига *методологик асос* вазифасини ўтайди. Методология инсон билиш фаолиятининг воситалари мақсади ва назарий асосини белгилаб берувчи восита бўлиб, унинг замирида а) бирор фанда татбиқ этиладиган усуллар мажмуи, б) илмий билиш ва дунёни ўзгартириш методи ҳақидаги таълимот ётади (Фалсафа қомусий луғати. 2004: 258). Методология доирасида тадқиқотчи объектни таҳлил қилиш тамойиллари ва усулларини танлайди. Ўз навбатида, ҳар қандай тадқиқот усули (методи) тадқиқотчининг объектга бўлган

субъектив муносабати билан боғлиқ ҳолда белгиланади. Бу билан билимни мутлақ субъектив деб бўлмайди. Чунки ҳар қандай субъектив билим муқаддам тўпланган тажрибаларга таянади ва объектив характер касб этади.

Антик даврнинг дастлабки боскичида ана шундай методологик асос вазифасини натурфалсафа ўтаган. Жумладан, “Фалсафа тарихи”да қайд этилишича, бу давр файласуфлари мушоҳада юритган дастлабки объект табиат бўлган, шу боис милoddан аввалги 600 йилдан 450 йилгача бўлган давр **“натурфалсафа”** деб номланади (Фалсафа тарихи.2002: 57). Ана шу фалсафий дунёқараш бу давр тилшунослигига ҳам ўз таъсирини ўтказган. Хусусан, сўзларнинг “тўғрилиги” ҳақидаги Кратил ва Гермоген ўртасидаги баҳслар (эр.ил. 427-347), шунингдек, бу мунозаранинг анологистлар ва аномалистлар деб номланувчи (эранинг 1-асри) Рим тилшунослари томонидан давом этирилиши шундан далолат беради (Ф.М.Березин.1975:11).

Мазкур манбада қайд этилишича, милoddан аввалги 450 йилдан кейин натурфалсафа ўрнида инсон манфаатлари диққат марказида турувчи фалсафий қараш вужудга кела бошланган. Шунинг учун ҳам бу давр **“антропоцентриқ”** давр сифатида фарқланади (Фалсафа тарихи.2002: 57). Бу тамойилга кўра, борлиқдаги бошқа нарса ва ҳодисалар каби тил ҳам табиий асослидир ва бу асос замирида инсон ва унинг табиий онги ётади. Демак, тил табиий онг воситасида вужудга келган ижтимоий ҳодисадир. Бундай қарашни илгари сурган олим Абу Носир Форобийдир. Унинг фикрича, “Инсон онги икки турлидир: улардан биринчиси, ички (интуитив) онг бўлиб, у инсонга табиат томонидан берилади. Иккинчиси эса ташқи (ҳосил қилинган) онгдир ва у табиатдан мақсадга кўра олинади. Форобий инсон билимини ҳам икки турга ажратади: 1) туғма; 2) ўқиш ва тажриба асосида эришилган билим. Унинг эътирофига кўра, янги туғилган болада билиш имконияти, билиш руҳияти бор бўлиб, у туғмадир. Шу билан бирга инсон сезги аъзолари билан ана шу имкониятни юзага чиқаради. Атроф-муҳитни билиб боради. Ном ва тушунчалар сезги аъзоларнинг маҳсулидир. Улар авлоддан авлодга берилади. Шунинг учун ҳам

улар туғма эмас, қабул қилинган билимлардир (А.Нурмонов. 2002:8).

Шундай қилиб, ана шу икки фалсафий дунёқараш асосида табиат ва жамият ўртасидаги боғланиш гармонияси ҳақидаги таълимот вужудга келган ва бу қадимги давр тилшунослигида ҳамда ундан кейинги даврларда ҳам ўз таъсирига эга бўлган. Бунинг ўзига хос далилини тилнинг пайдо бўлиши ҳақидаги Стоиклар томонидан илгари сурилган товушга тақлид назарияси, Стоикларга қарама-қарши равишда эпикурчилар томонидан илгари сурилган ундовлар назарияси, XIX асрда К.Бюхер томонидан илгари сурилган меҳнат қийқириқлари назарияси, Демокрит ва Платон таълимотлари асосида Адам Смит томонидан илгари сурилган ижтимоий келишув назарияси мисолида кўзга ташланади (Реформатский 1967:468).

Қадимги давр тилшунослигида вужудга келган антропоцентрик қараш тилшуносликнинг тадқиқот объектини борлик, инсон ва унинг тафаккури ҳамда тил ўртасидаги муносабат доирасида белгиланишида ҳам ўзига хос замин яратди. Ана шу тамойилнинг таъсири туфайли тилнинг табиий системаларга муносабатини далилловчи дастлабки мулоҳазалар юзага келди. Унга кўра тилнинг табиийликка муносабати инсон онгининг табиийлиги, туғмалигидан келиб чиқадиган белги орқали намоён бўлади. Бироқ индивидуал онгнинг ўзи тилни шакллантира олмайди, шунинг учун ҳам унинг вужудга келиши ижтимоий онг билан боғлиқ ҳолда тавсифланади.

3-§. Тилшуносликда умумий ва рационал грамматика ғояси

Тил ва тафаккур ўртасидаги муносабат масаласининг ўзига хос талқини Европа уйғониш даврида тилнинг рационал ва универсал ҳодиса сифатида баҳолалиши орқали ҳам кўзга ташланади. Ўрта аср (XVI-XVII) тилшунослигида вужудга келиб (асосчилари Париж яқинидаги Пор-Рояль монастрининг роҳиблари Антон Арно ва Клод Лансло) XX асрда Наум Чомский томонидан маромига етказилган бу йўналишда барча тилларга хос умумий рационал принципларнинг сабабларини аниқлашга асосий эътибор қаратилади. Бу таълимотга кўра, ҳар бир тил ўзаро узвий боғлиқ бўлган икки сатҳдан, яъни ботиний

ва зоҳирӣ сатҳлардан таркиб топадиган яхлитликдир. Ўз табиатига кўра универсал ва рационал асосли (яъни ratio+nis-акл асосига қурилган) бўлган ботиний сатҳ мантиқий тамойил асосида иш кўради ва ички мушоҳада бу сатҳнинг асосий бирлиги ҳисобланади. Унинг рўёбга чиқиши эса бевосита тил бирликларининг нутқий воқеланиши асосида амалга ошади. Демак, тилларга хос универсаллик белгиси ботиний сатҳ орқали намоён бўлади. Бироқ зоҳирӣ сатҳга кўра улар фарқланади.

“Фалсафа тарихи”да қайд этилишича, универсаллик ғояси ҳам муқаддам грек файласуфларининг урф-одатлар ва таомилларнинг ранг-баранглиги замирида *бир умумий ахлоқ ва битта универсал сиёсий идеал* ётиши ҳақида қарашлари асосида шаклланган (Фалсафа тарихи.2002:59). Тилшуносликда бу ғоянинг ўзига хос акс-садоси Аристотелнинг ишларида учрайди. Хусусан, у нарса ва ном ўртасидаги табиий боғланишни рад этади ва ўзининг бу фикрини муайян бир нарсанинг турли тилларда турлича номланиши мисолида далиллайди. Унинг эътирофига кўра, сўзлар фақат ташқи структураси билан фарқланади, ички структура эса тиллараро муштарак хусусиятлидир (Т.А.Бушуй.2011: 59).

Абу Наср Форобийнинг ижодида тилларга хос универсаллик улардаги умумий ва хусусий белгилар деалектикаси орқали тавсифланади. Жумладан, унинг таъкидлашича, ҳар бир тил ўзига хос бирликларга эга. Шу билан бирга ҳамма тилларга хос бўлган тушунчалар ҳам мавжуд. Масалан, от, феъл, юклама араб тилида ҳам, юнон тилида ҳам бор. Бундай бўлиниш бошқа тилларда ҳам учрайди. Араб грамматикачилари от, феъл, юкламаларни араб тили материали асосида, юнон грамматикачилари эса юнон тили материали асосида ўрганадилар (А.Нурмонов. 2002:12).

Ана шу қарашлар XIX асрга келиб олмон тилшуноси Вилгельм фон Гумбольдт томонидан илгари сурилган тил формаси ва унинг ички ва ташқи шакллари асосида ривожлантирилди. Ички шакл тилнинг интеллектуал (яъни идрокӣ) жиҳатини белгиласа, ана шу интеллектуал асоснинг рўёбга чиқиши (зоҳир бўлиши) ташқи шакл орқали амалга ошади. «Гумбольдт талқинида тил формаси қуйидаги уч омил

билан боғлиқ ҳолда тавсифланади: а) тил формаси руҳнинг доимий ва барқарор фаолияти туфайли нутқ товушларининг маъно ифодаловчи восита даражасига кўтарилишини белгилайди, б) «тил формаси сўзлар воситасида ҳаракатга келувчи оддий агрегат эмас, балки ҳар бир элементнинг бошқа бир элемент билан узвийлиги туфайли барқарорлик касб этувчи системадир. Мазкур система ҳар бир тилда ўзига хос асосда намоён бўлади, в) тил формаси моддий (материал) ва идрокий (идеал), шунингдек, ташки ва ички формалар узвийлигидан таркиб топади». Шундай қилиб, тил формаси унинг систем барқарорлигини белгиловчи асосдир. Ана шу барқарорлик туфайли тилда ҳалигача бирорта янги бирлик ихтиро этилган эмас. Ундан фойдаланиш аввалдан амал қилиб келган формаларни ишга солиш демакдир. Улар нутқ жараёнида муайян ўзгаришга учраса ҳам, бу ўзгаришлар аналогия доирасидан ташқарига чиқиб кета олмайди» (В.И.Кодухов. 1974: 28).

Юқорида қайд этилганидек, тилнинг рационал ва универсал ҳодиса сифатида талқин этилиши ўз кульминациясига XX асрда “иккинчи когнитив инқилоб” даҳоси номини олган Наум Чомский томонидан етказилди. Мазкур олим томонидан лингвистик структуралар ботиний ва зоҳирий сатҳли тизим сифатида талқин этилади. У ушбу структуралар муносабати ҳақида қуйидагиларни таъкидлайди: «Инсон онгида жумла мазмунини ташкил этувчи пропозитив тизим вужудга келади. Ушбу тизим грамматик трансформация деб номланувчи формал операция ёрдамида физик сигнал қиёфасига эга бўлади. Ана шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, категориал жиҳатдан ташкил топган ва физик сигнал сифатида воқеланадиган жумлаларда зоҳирий структура ўз ифодасини топади. Ушбу структураларнинг мавҳум муқобили эса ботиний структурадир» (В.А.Звегинцев.1973.80). Буларнинг барчаси тилшуносликнинг замонавий босқичида фалсафа, мантик, психология, математика ва тилшунослик каби бир қатр фанлар ҳамкорлигини ўзида мужассамлантирувчи когнитив тилшуносликнинг вужудга келишига сабаб бўлди (Ш.Сафаров. 2007.).

4-§. Қиёсий-тарихий тилшуносликнинг вужудга келиши

Аввал айтилганидек, ҳар қандай фан табиат, жамият ва тафаккурнинг объектив қонуниятлари ҳақидаги билимлардан озикланган ҳолда ривожланади. Тилшунослик ҳам бундан мустасно эмас. Хусусан, ўрта аср Ғарб тилшунослигида (хусусан, XVIII асргача бўлган даврларда) алоҳида олинган тилларни (кўпинча дин учун асос бўлган тиллар) ўрганиш устувор аҳамиятга эга бўлгани ҳолда, бу тилларни ўзгармас, барқарор ҳодиса сифатида талқин этиш етакчилик қилар эди. XVIII асрдан кейинги даврларда эса тилга ўзгарувчи, ривожланувчи ҳодиса сифатида баҳо бериш анъана тусини ола бошлади. Хусусан, Шарль де Бросс, Жон-Жак Руссо, Монбоддо, Адам Смит, Пристли, Гердер ва бошқалар тилларнинг тарихий тараққиёти ҳақидаги ғояни қўллаб, уни ривожлантирди (Расулов.Р.2010:78).

Тил ва бошқа ҳодисаларнинг ривожланиш хусусиятига эга эканлиги ҳақидаги қарашлар тасаввуф фалсафасида бундан анча аввал мавжуд бўлган. Хусусан, Абу Наср Форобий ўзининг “Фалсафату Аристутолис” асарига, беадад зиддиятлар бир-бирини алмаштириб туришини, бу ўзгариш жараёнида барқарорликка эга бўлган белгини “жавоҳир”, яъни субстанция, ўзгарувчи белгини эса “ораз” (акциденция) деб номлайди (Қаранг: Нурмонов А. 2002:9; 76).

Шунингдек, бу давр Ғарб тилшунослигида тилларни қиёслаб ўрганишга ҳам алоҳида эътибор берилган. Жумладан, XIX асрнинг биринчи чорагида санскрит (қадимги ҳинд адабий тили)да яратилган ёзма манбалар тилининг ўрганилиши ва европа тилларига қиёсланиши натижасида бу тилларнинг ўзаро қариндошлиги, яъни уларнинг умумий бир бобо тилдан тарқалганлиги ҳақидаги ғоялар юзага келган. Европа тилшунослигида қиёсий-тарихий тилшуносликнинг вужудга келиши XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган немис тилшуносилари Франц Бопп (“Санскрит тилида тусланиш тизимининг грек, лотин, форс ва герман тилларидаги тусланиш билан қиёсий таҳлили” номли асарини яратган) ва Яков Гримм (Герман тилларининг қиёсий таҳлили билан шуғулланган), даниялик тилшунос Расмус Раск (“Қадимги тил соҳасидаги

тадқиқотлар ёки исланд тилининг келиб чиқиши” номли асарини яратган ва унда герман, литва, славян, лотин ва юнон тилларининг қариндошлигини исботлаган) ва рус тилшуноси Александр Востоков (“Славян тили ҳақида фикрлар” асарини яратган) қабиларга нисбат берилади. Ўрта Осиёда бу тадқиқот усулининг амалий асоси XI асрда Маҳмуд Кошғарийнинг туркий уруғ ва қабилалар тилини тадқиқ этишга бағишланган “Девону луғотит турк” асари билан бошланган (Қаранг: Нурмонов А. 2002: 34).

Тилшуносликда қиёсий-тарихий (компаративистика) усулининг вужудга келиши, бир томондан, тилларнинг генеологик тавсифи учун, иккинчи томондан эса, чоғиштирама (контрастив) ва типологик усулларнинг вужудга келиши учун замин яратди. Хусусан, Ғарб тилшунослигида контрастив усул XIX асрдан бошланган бўлса, Араб ва Ўрта Осиё тилшунослигида бу усулнинг амалий асослари араб, форс-тожик, мўғул тилларининг қиёсий таҳлилига бағишланган Маҳмуд Замаҳшарий, Абу Ҳаййон, Ибн Муҳанна каби олимлар томонидан яратилган луғатларда ўз ифодасини топди (Расулов Р. 2010. 265). Алишер Навоийнинг “Муҳокамат-ул луғатайн” асари эса ноқардош тилларни чоғиштириб ўрганишга бағишланган (контрастив усул) дастлабки йирик манбалардан биридир (Қаранг: Нурмонов А. 2002: 85).

Келтирилган бу далиллар қиёсий-тарихий тилшунослик ривожига ўзига хос икки босқични фарқлаш зарурлигидан далolat беради. Улардан биринчиси, қиёсий-тарихий тилшуносликнинг амалий ривожини билан боғлиқ бўлса, иккинчиси, унинг назарий такомилга етиши билан боғлиқдир. Демак, қиёсий-тарихий тилшунослик ўзининг амалий асосига Араб ва Ўрта Осиё тилшунослари томонидан яратилган қариндош ва ноқардош тилларнинг қиёсий таҳлилига бағишлаб яратилган луғатлар мисолида эга бўлган. Айнан ана шу амалий ҳаракатлар кейинчалик Ғарб назарийчилари учун улкан тажриба мактаби вазифасини ўтади, десак муболаға бўлмайдими. Хусусан, умумий тилшуносликнинг асосчиси сифатида эътироф этиладиган В.фон Гумбольдт ўзининг илмий изланишларида бу тадқиқот усулидан унумли фойдаланди. Шунингдек, натурализм

(Август Шлейхер (1821-1868) ва психологизм (Хейман Штейнталь (1823-1899) таълимотларининг намояндалари, “Ёш грамматикачилар” (Херман Паул) ҳамда Ф.де Соссюр ва ундан кейин структурализм оқими вакиллари томонидан олиб борилган илмий изланишларда бу усул ўз маромига етди (Т.Бушуй, Ш.Сафаров.2007: 69).

5-§. Структурализмнинг шаклланиши

XX аср бошларида Ф.Гегель диалектик усулининг фанга татбиқ этилиши ва ривож, турли фанларда бўлгани каби тилшуносликка ҳам катта таъсир кўрсатди. Мазкур давр фанидан ўрин олган диалектик усулнинг моҳияти шунда эдики, бу усул тадқиқотчиларни нарса ва ҳодисаларнинг бевосита ташқи кузатилишда (кўриш, эшитиш, ўлчаш кабилар) акс этадиган хусусиятларини тасвирлаш билан чегараланмасликка, балки бу хусусият ва хоссаларнинг замирида ётадиган моҳиятни ақлан англашга ҳамда тушунтиришга ундади. Шу асосда диалектика борлиқнинг ранг-баранг хусусиятлари ҳар доим ўзаро алоқадорлик, боғлиқликда олиб ўрганилмоғи лозимлигини кўрсатди, ҳодисаларнинг моҳиятини очиб беришга хизмат қила оладиган умумий гносеологик қонун ва категорияларни тавсия этди. (Неъматов Х., Бозоров О.1993: С. 5- 6).

Диалектик усулнинг дастлабки татбиқларидан бири И.Кантнинг «Умумий тарих ва само назарияси» асари орқали кўзга ташланади. Зеро, айнан ана шу асарда оламнинг ягона системадан иборат эканлиги, бу система нафақат ўзгариб туриши, балки ривожланишда эканлиги ҳамда уни ҳаракатга келтирувчи куч ўзаро тортишиш ва узоқлашиш қонунияти эканлиги ҳақида мулоҳаза юритилади. (Т.А.Бушуй, Ш.Сафаров. 2007:29) Бу методологик таълимотнинг тилшуносликка жорий этилиши эса немис тилшуноси Вилгельм фон Гумбольдт ижодида кўзга ташланади. Унинг фикрича, тафаккур фаолияти исиз, яъни соф руҳий жараён бўлиб, бу мавҳумликни ҳис этиш органларига тақдим этувчи восита тилдир. Тил ва тафаккур фаолияти бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган яхлитликдир. Ҳар қандай зарурий ҳолатларда тафаккур тил товушлари билан боғланиш имкониятига эгадир. Акс ҳолда, тасаввур тушунча ёки

маънога айланмайди, тил эса англаш даражасига эга бўлмайди (В.Гумбольдт//Хрестоматия. 1956: 78).

Тил ўз характерига кўра объектив ва субъектив хусусиятлар узвийлигидан таркиб топадиган ҳодисадир. Чунки инсон тилни, бир томондан, ўзидан олдинги авлодлардан мерос сифатида қабул қилиб олса, иккинчи томондан, уни доимий равишда қайта ишлаб, такомиллаштириб боради. Бу жараён учун асосий восита нутқдир, зеро тил нутқ воситасида ҳар сафар қайта яралади. (Ф.М.Березин.1975:48-59). Хуллас, Гумбольдт томонидан олиб борилган лингвистик изланишлар ниҳоятда серқирра бўлиб, унинг қамрови: «инсоннинг билиш фаолиятида тилнинг вазифаси (лингвогносеология), инсон – маданият - тил муносабати (лингвокултурология), тил ва жамият алоқаси, тил ва шахс муносабати, тилнинг инсон амалий фаолиятига таъсирини ўрганиш (лингвопраксиология)» кабилардан иборатдир (Т.А.Бушуй, Ш.Сафаров. 2007:78-81). Гумбольдт меросидан ўрин олган бу йўналишлар кейинги даврларда натурализм (Август Шлейхер), психологизм (Ҳерман Штейнталь, Александр Потебня) каби оқим вакиллари томонидан ривожлантирилди.

Тил қонуниятларини идрок этишда муҳим бўлган лингвофалсафий қарашлар турли даврларда ва ҳар хил муносабат билан амалга оширилган изланишларда ўз ифодасини топганлигини кўриш мумкин. Жумладан, буюк бобокалонимиз Алишер Навоийнинг «Муҳокаматул луғатайн» асарида имконият тарзидаги (тил бирлиги) соҳиби ихтисос (сўзловчи) томонидан турли хил жилвалантирилиши (нутқ бирлиги сифатида реаллаштирилиши) мумкинлиги баён қилинади. У сўзни дурга қиёслагани ҳолда, дурнинг жойлашиш ўрни денгиз туби бўлгани каби, сўзнинг жойлашиш ўрни кўнгил, яъни хотира эканлигини бадий талқин этади. (А.Нурмонов.2002: 78-81)

Гарчи А.Навоийнинг бу бадий талқини тил ва нутқ ўртасидаги тафовутнинг ёрқин ифодаси бўлса ҳам, жаҳон тилшунослигида ўзига тегишли эътирофига эга бўлмади. Бу ҳодисаларининг фаркланиши ҳам Навоийдан анча кейин яшаган ва жаҳон тилшунослигида алоҳида эътирофга сазовор бўлган В.

Гумбольднинг номи билан боғланди ва бунга у тўла ҳақлидир. Бинобарин, тилшуносликни диалектик усул билан куроллантириб, унинг алоҳида фан сифатида шаклланиши учун таъмал тошини қўйган олим В.Гумбольдтир. Алишер Навоийнинг буюк даҳоси эса бундай «биринчилик»дан анча юксак туради. Зеро, у ўзининг юксак иқтидори билан кўпчилик соҳаларга чуқур кириб бора олган бетакрор алломадир. Шу боис унинг асарларидан ўз давридан анча илгарилаб кетган бундай мулоҳазаларни қўплаб топиш мумкин. Биз ана шундай буюк зотнинг ворислари сифатида бу бебаҳо меросини кунт билан ўрганишимиз ва кенг миқёсда тарғиб қилишимиз ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Илм бежиз чексиз уммонга киёсланмайди. Бу уммонда маржон каби тизилган муштарак ғоя ва мушоҳадаларни кўплаб учратиш мумкин. Манбаларнинг яна бирида қайд этилишича, тил ва нуткни ўзаро фарқлаш билан боғлиқ дастлабки қарашлар 8-9-асрлар араб тилшунослигининг тил ўрганиш усулларида, А.Штейнталнинг «барқарор моҳият» ва «ҳаракатдаги кучлар» хусусидаги таълимотларида, Бодуэн де Куртененинг «тилдаги барқарорлик ва ўзгарувчанлик» ҳақидаги қарашларида ҳам ўз аксини топган (Ҳ.Неъматов, О.Бозоров. 1993. -С.7.)

Ҳеч шубҳа йўқки, қадимги давр тилшунослигида илгари сурилган ана шундай қарашлар тилни яхлит бир бутунлик, тизим сифатида ўрганувчи систем-структур тилшуносликнинг вужудга келиши учун замин ҳозирлаган. Шаклланиш тарихига кўра узоқ ўтмиш билан боғлиқ бўлган бу назариянинг том маънода тилшуносликка татбиқ этилиши ва ривожланиши швецариялик олим Фердинанд де Соссюр номи билан боғлиқдир. Чунки айнан ана шу олим бу борада мавжуд бўлган фикрларни ўрганиб, систем-структур назария даражасига кўтарди. (Қаранг: Р.Расулов. 2010:106) Бу назариянинг асосий мазмуни Соссюр ўқиган маърузаларда ўз ифодасини топган бўлиб, унинг вафотидан сўнг уч йил ўтгач, шогирдлари Шарль Балли ва Антуан Сешелар томонидан ушбу маърузалар жамланиб «Умумий тилшунослик курси» (Труды по общему языкознанию. – М., 1977) номи билан нашр қилинган.

Фердинанд де Соссюр (1857-1913) томонидан асосланган XX аср систем тилшунослиги ўтган йиллар мобайнида ўнлаб янги лингвистик оқим ва мактабларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Зотан, бевосита Соссюр таълимоти асосида шаклланган Прага структурализми (ёки функционал лингвистика), Копенгаген структурализми (ёки глоссематика), Америка структурализми (ёки дескриптив лингвистика) шулар жумласидандир. Бу йўналишларнинг барчасида бир умумий мақсад, яъни тилни тизим сифатида тавсифлаш, тил ва нутқ ҳодисаларини ўзаро фарклаш асосида бу лингвистик системада тилни асосий объект сифатида эътироф этиш мақсади ўз ифодасини топади. Ана шу ёндашув ўтган асрнинг 30-80 йилларида «анъанавий тилшунослик» ва «замонавий тилшунослик» деб номланувчи икки йўналишнинг фарқлиниши учун ҳам асос бўлди (Х.Нематов, О.Бозоров.1993. б). Шундай бўлишига қарамасдан, Ф. де Соссюр томонидан илгари сурилган систем назария собиқ иттифоқ тилшунослигида ҳадиксирашлар билан ўрганила бошланди. Р.А.Будагов томонидан 1954 йилда чоп этилган «Из истории языкознания (Соссюр и соссюрианство)» деб номланган китобда билдирилган танқидий фикрлар ана шу даврдаги сиёсий муҳит таъсиридан далолат беради.

Ҳеч шубҳа йўқки, фанда вужудга келадиган ҳар бир янги ғоя бирдан ўз татбиғига эга бўлмайди. Зеро, янгиликни “ҳазм қилиш”, ундаги ижобий ва салбий томонларни тафтиш қилган ҳолда моҳиятга кириб бориши учун муайян вақт лозим бўлади. Ф. де Соссюр томонидан илгари сурилган структур-систем назария ҳам ўз бошидан ана шундай “синов”ни ўтказди. Бирок, бугунги кунга келиб, мазкур назария жаҳон тилшунослигида лингвистиканинг объектини тўғри белгилашда ўзига хос дастур вазифасини ўтаётганлиги, ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди.

Соссюр ва унинг издошлари томонидан илгари сурилган структур-систем назариянинг асосий ютуғи, тилшуносликда унга қадар юзага келган «киёсий-тарихий парадигманинг «атомистик», яъни тил ҳодисаларини алоҳида-алоҳида, бир-биридан ажратган ҳолда таҳлил қилиниши натижасида юзага келган нуқсонларни бартараф қилиш йўлини тутди. Систем-

структур йўналишнинг асосий самараси тилнинг тизимли ҳодиса эканлигини исботлашдан иборат бўлди» (Ш.Сафаров.2008:35).

Даҳақиқат, тил ва нутқ ҳодисаларини фарқлаш, тилга тизим сифатида ёндашиш, тилдаги тизимли муносабатларни ўрганиш тилшунослик соҳасида катта бурилиш ясади ва замонавий тилшуносликнинг ривожига жиддий таъсир кўрсатди. Бу таълимотнинг кейинги ривожиди Ф.Боас, Э.Сепир, Л.Блумфильд, Э.Бенвенист, Л.Ельмслев, В.Матезиус, Б.Трнка, И.Вахек, Б.Гавранек, Н.С.Трубецкой, С.И.Карцевский, В.М.Солнцев, Ю.Д.Апресян, В.Брендалъ каби хориж олимлари билан бир қаторда, Ҳ.Ғ.Неъматов, И.Қўчқортоев, А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, Н.Турниёзов, Р.Расулов, М.М.Миртожиев каби ўзбек тилшуносларининг ҳиссалари ҳам алоҳида эътирофга лойиқдир.

6-§. Ф. де Соссюр таълимотида илгари сурилган асосий ғоялар

1. Ф.де Соссюрнинг қайд этишича, лингвистиканинг асосий тадқиқот материални нутқий фаолият ташкил қилади. (Соссюр.1977:44) Бироқ нутқий фаолиятни ҳар доим ҳам бевосита кузатиб бўлмайди, зеро у ниҳоятда сертармокдир. Шунинг учун ҳам нутқий фаолиятга хос энг муҳим жиҳатларни тилни тадқиқ этиш орқали аниқлаш мумкин. Бунинг билан нутқий фаолият ва тил ўртасида тўла мослик мавжуд, деб ҳам бўлмайди. Чунки тил ҳақиқатнинг маълум бир қисмини ўзида акс эттиради, унинг асосий қисмини эса нутқий фаолият ташкил қилади. Бинобарин, нутқий фаолият жамоа томонидан шартланган ва тил вакилларининг ҳар бири нутқида амал қилиши лозим бўлган маҳсулдир. (Соссюр.1977:48)

2. Тил муайян бир жамоанинг нутқ амалиёти асосида жамғарилган хазинадир, у тил вакилларининг ҳар бири онгидаги грамматик системадир. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтганда, тил жамоавий онгдагина ўз яхлитлигига эга бўладиган ҳодисадир. Тил орқали сўзловчининг бевосита фаолиятини эмас, балки сўзловчиларнинг пассив иштироки асосида жамғарилган тайёр маҳсул ўз ифодасини топади. Шунинг учун ҳам у олдиндан белгиланган мақсад билан боғлана олмайди. Нутқ эса, аксинча,

онгининг индивидуал хоҳишни ўзида намоён этувчи ҳодисадир. Сўзловчи нутқ жараёнида тил кодларининг турли комбинацияси асосида ўз истакларини ифода этади. Бундай комбинациянинг объектив воқеланишида эса руҳий механизмлар муҳим аҳамият касб этади. (Соссюр.1977:52)

3. Нутқий фаолиятни икки қисмга ажратиб ўрганиши мумкин: улардан биринчиси ва энг муҳими индивид фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ижтимоий асосли тил бўлса, иккинчиси, нутқий фаолиятни индивидуал асосда воқелантирувчи нутқдир. Бу икки ҳодиса бир-бири билан чамбарчас бағлиқдир. Чунки тил орқали нутқнинг тушунарли ва самарали бўлиши таъминланадиган бўлса, нутқ эса тилнинг ҳосил бўлиши учун зарурият ҳисобланади. Тарихий жиҳатдан, нутқ тилни вужудга келтириш асосида ўз қийматига эга бўлади. (Соссюр.1977:57)

4. Соссюр лингвистик таълимотида ички ва ташқи лингвистикага алоҳида эътибор бериш лозимлигини уқтиради. Ташқи лингвистика тилни халқ тарихи, маданияти билан, унинг ижтимоий-сиёсий қарашлари, жойлашиш ўрни, адабиёти, маданияти билан боғлиқ ҳолда текширадиган бўлса, ички лингвистика бевосита тилнинг қурилиш механизми, структурасини ўрганиш билан шуғулланади. Соссюрнинг ёзишича: Ташқи тилшуносликни ўрганиш ниҳоятда катта аҳамиятга эга, бироқ уни ўрганмай туриб ички тилшуносликни билиб бўлмайди, дейиш ҳам хатодир”. (Соссюр.1977:60)

5. Тил ҳамиша ўзнинг ички қонуниятларига таянадиган системадир. Унга хос ички қонуниятларни шахматга қиёслаш мумкин. Бу ўйиндаги ёғочдан ясалган фигураларни суякдан ясалгани билан алмаштириб қўйилса, системага ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди, бироқ улар камайтириб ёки кўпайтириб қўйилса системанинг фаолиятига путур етиши мумкин. Тилнинг ички системаси орқали ўз ифодасини топадиган “грамматик ўйин” ҳам ана шундай хусусиятлидир. (Соссюр.1977:61)

6. Тил системасида синхрон ва диахрон қонуният амал қилади. Синхрон қонуният орқали тилнинг мавжудлиги, тараққиёти унинг амал қилиш даври билан боғлиқ ҳолда намоён бўладиган бўлса, диахрон қонуният тил имкониятларининг замон талабига монанд равишда босқичма-босқич

ривожланишини ўзида акс эттиради. (Соссюр.1977: 125) Ана шу асосда лингвистиканинг синхрон ва диахрон турлари фарқланади. Унинг ёзишича, синхрон лингвистика элементларнинг ўзаро манتيкий ва рухий боғланиши асосида мавжуд бўлиши ва шу асосда системанинг таркиб топишига доир қонуниятларни ўрганади. Диахрон лингвистика эса тил элементларининг замонлар оша бирин-кетин боғланиши, муносабатга киришишига доир қонуниятларни ўрганади. (Соссюр.1977: 132)

7. Тил бирликлари а) ифодаловчи), б) ифодаланувчи томонлар узвийлигидан таркиб топади. Ифодаловчи акустик образ воситасида, ифодаланувчи эса тушунча ва маъно асосида ўз ифодасини топади. Ифодаловчи ва ифодаланувчилар ўртасидаги боғланиш ижтимоий шартланган бўлади. Улар идрокий асосли бўлиб, алоҳида ҳолда мавжуд бўла олмайди. Шунинг учун ҳам, бу икки асос бир-бирини эслатиш, тақозо этиш асосида барқарорлик касб этади. (Соссюр.1977: 99-100)

8. Тил ўз ички тузилишига кўра соф белгилар системаси, яъни семиотик системадир. Шу боис, у ҳақидаги фан ҳам семиология (юнонча semeion-белги) деб аталиши лозим. Мазкур фан ижтимоий психология, ўз навбатида, умумий психологиянинг ажралмас қисми бўлиши лозим. Лингвистика эса ана шу фаннинг энг муҳим таркибий қисмидир. (Соссюр.1977:54)

9. Ҳар бир тилга хос бирликлар муносабатлар асосида ўз барқарорлигига эга бўлади. Хусусан, тил бирликлари кетма-кетлик асосида муносабатга киришади. Ана шу горизонтал боғланиш бир неча тил бирликларини бир йўла талаффуз этишга имкон бермайди. Тил бирликларининг бундай тартибдаги узвийлиги синтагматик муносабат ҳисобланади ва у орқали нутқ ўз ифодасини топади. Шунинг билан бир қаторда, тил бирликлари ўзаро ассоциатив муносабатга киришгани ҳолда инсонлар хотирасидан ўрин эгаллайди. Тил бирликлари ана шундай муносабат асосида ўз барқарорлигини топади. (Соссюр.1977: 155)

Таянч сўз ва ибораларнинг изоҳи:

1. Тилшуносликнинг объекти тилдир. Унинг ички ва ташқи структураси ва механизмлари тилшуносликнинг предметини ташкил қилади.

2. Амалий тилшунослик тилнинг бевосита фаолиятини ўрганadi. Назарий тилшунослик тилнинг қонун ва қоидаларини тавсифлаш билан шуғулланади.

3. Методология инсон билиш фаолиятининг таянч воситалари, мақсади ва илмий-назарий асосларини белгилаш йўллари дир. Метод эса билишнинг у ёки бу усули дир.

4. Компаративстика (қиёсий-тарихий тилшунослик) – тилларни ўзаро қиёсий тадқиқ этиш орқали уларнинг генетик асосини аниқлаш усули дир.

5. Контрастив усул – қариндош ва ноқардош бўлган икки тилга хос турли сатҳ бирликларини чоғиштириш асосида тадқиқ этиш усули дир.

6. Типологик усул – ўзаро қариндош ёки қариндош бўлмаган тилларни қиёсий тавсифлаш асосида уларга хос умумий ва хусусий типларни белгилаш усули дир. Типологиянинг таснифий, характералогик, белгили (признаковый), ички систем каби ёндашувлари мавжуд.

7. Универсал ва рационал грамматика - тилларни ботиний асосига муштарак ҳодиса деб баҳолайдиган йўналиш дир. Когнитив тилшунослик орқали бу йўналишнинг замонавий ривожини (Н.Чомский) кўриш мумкин.

8. Система тушунчасининг илк бор фан оламига кириб келиши ва дастлабки илмий талқини И.Кантнинг «Умумий тарих ва само назарияси» асари билан боғлиқ дир.

9. Тилнинг систем характерли ҳодиса эканлиги ҳақидаги тилшуносликдаги дастлабки қарашлар Вилгельм фон Гумбольдт томонидан билдирилган.

10. Алишер Навоийнинг «Муҳокаматул луғатайн» асарида ҳам тил ва нутқ ўзаро фарқли ҳодисалар эканлиги ҳақида бадий талқин учрайди.

11. Ўз ибтидоси билан узоқ асрлик тарихга бориб тақаладиган систем назарияни мукамал даражада ишлаб

чиққан олим Фердинанд де Соссюрдир. Унинг таълимотидан ўрин олган асосий тушунчалар куйидагилардан иборат:

- вазифасига кўра тил алоқа воситасидир, ички қурилиш нуқтаи назаридан эса борлиқ ҳақидаги хабарни семиотик белгиларга айлантирувчи ва белгилардан ҳоли қилувчи тизимдир;

- лингвистик таълимот таркибан ички ва ташқи лингвистикадан иборатдир. Ички лингвистиканинг асосий тадқиқот объекти тил структурасидир;

- тилнинг ички структураси синхрон ва диахрон аспектларда ўрганилиши мумкин;

- тил ва нутқ ўзаро фарқли ва чамбарчас боғлиқ ҳодисалардир. Тил белгилар тизимидир, нутқ эса тилнинг амалда қўлланишидир;

- тил ижтимоий ва идрокий характерлидир, идрокийлик тил бирликларининг онгдаги акустик образи мисолида ўз аксини топади. Тилнинг ижтимоий асоси унинг жамоавий онг маҳсули эканлигида кўзга ташланади;

- тил ижтимоий шартланган белгилар тизимидир. Тил белгилари ифодаловчи ва ифодаланувчи томонлар узвийлигидан таркиб топади;

- тил белгилари парадигматик ва синтагматик муносабат ташкил қилади.

- тил ички тузилишига кўра соф белгилар системаси бўлиб, у ҳақидаги фан семиология (юнонча *semeion*-белги) деб аталиши лозим. Лингвистика ана шу фаннинг энг муҳим қисмидир.

Мавзу бўйича савол ва топшириқлар:

1. Тилшунослик фанининг ўрганиш объекти ва предмети нима?

2. Тилшуносликнинг методологик асоси ва методлари ҳақида нималарни биласиз?

3. Систем тилшуносликнинг вужудга келишида Вилгельм фон Гумбольдт илмий меъросининг аҳамияти нималарда намоён бўлади?

4. Нега Ф.де Соссюр систем тилшуносликнинг асосчиси ҳисобланади?

Таянч сўз ва ибораларнинг изоҳи:

1. Тилшуносликнинг объекти тилдир. Унинг ички ва ташқи структураси ва механизмлари тилшуносликнинг предметини ташкил қилади.

2. Амалий тилшунослик тилнинг бевосита фаолиятини ўрганади. Назарий тилшунослик тилнинг қонун ва қоидаларини тавсифлаш билан шуғуллаанади.

3. Методология инсон билиш фаолиятининг таянч воситалари, мақсади ва илмий-назарий асосларини белгилаш йўллари дир. Метод эса билишнинг у ёки бу усули дир.

4. Компаративстика (қиёсий-тарихий тилшунослик) – тилларни ўзаро қиёсий тадқиқ этиш орқали уларнинг генетик асосини аниқлаш усули дир.

5. Контрастив усул – қариндош ва ноқариндош бўлган икки тилга хос турли сатҳ бирликларини чоғиштириш асосида тадқиқ этиш усули дир.

6. Типологик усул – ўзаро қариндош ёки қариндош бўлмаган тилларни қиёсий тавсифлаш асосида уларга хос умумий ва хусусий типларни белгилаш усули дир. Типологиянинг таснифий, характералогик, белгили (признаковый), ички систем каби ёндашувлари мавжуд.

7. Универсал ва рационал грамматика - тилларни ботиний асосига муштарак ҳодиса деб баҳолайдиган йўналиш дир. Когнитив тилшунослик орқали бу йўналишнинг замонавий ривожини (Н.Чомский) кўриш мумкин.

8. Система тушунчасининг илк бор фан оламига кириб келиши ва дастлабки илмий талқини И.Кантнинг «Умумий тарих ва само назарияси» асари билан боғлиқ дир.

9. Тилнинг систем характерли ҳодиса эканлиги ҳақидаги тилшуносликдаги дастлабки қарашлар Вилгельм фон Гумбольдт томонидан билдирилган.

10. Алишер Навоийнинг «Муҳокаматул луғатайн» асарида ҳам тил ва нутқ ўзаро фарқли ҳодисалар эканлиги ҳақида бадиий талқин учрайди.

11. Ўз ибтидоси билан узоқ асрлик тарихга бориб тақаладиган систем назарияни мукамал даражада ишлаб

чиққан олим Фердинанд де Соссюрдир. Унинг таълимотидан ўрин олган асосий тушунчалар қуйидагилардан иборат:

- вазифасига кўра тил алоқа воситасидир, ички қурилиш нуктаи назаридан эса борлиқ ҳақидаги хабарни семиотик белгиларга айлантирувчи ва белгилардан ҳоли килувчи тизимдир;

- лингвистик таълимот таркибан ички ва ташқи лингвистикадан иборатдир. Ички лингвистиканинг асосий тадқиқот объекти тил структурасидир;

- тилнинг ички структураси синхрон ва диахрон аспектларда ўрганилиши мумкин;

- тил ва нутқ ўзаро фарқли ва чамбарчас боғлиқ ходисалардир. Тил белгилар тизимидир, нутқ эса тилнинг амалда қўлланишидир;

- тил ижтимоий ва идрокий характерлидир, идрокийлик тил бирликларининг онгдаги акустик образи мисолида ўз аксини топади. Тилнинг ижтимоий асоси унинг жамоавий онг маҳсули эканлигида кўзга ташланади;

- тил ижтимоий шартланган белгилар тизимидир. Тил белгилари ифодаловчи ва ифодаланувчи томонлар узвийлигидан таркиб топади;

- тил белгилари парадигматик ва синтагматик муносабат ташкил қилади.

- тил ички тузилишига кўра соф белгилар системаси бўлиб, у ҳақидаги фан семиология (юнонча *semeion*-белги) деб аталиши лозим. Лингвистика ана шу фаннинг энг муҳим қисмидир.

Мавзу бўйича савол ва топшириқлар:

1. Тилшунослик фанининг ўрганиш объекти ва предмети нима?

2. Тилшуносликнинг методологик асоси ва методлари ҳақида нималарни биласиз?

3. Систем тилшуносликнинг вужудга келишида Вилгельм фон Гумбольдт илмий меъросининг аҳамияти нималарда намоён бўлади?

4. Нега Ф.де Соссюр систем тилшуносликнинг асосчиси ҳисобланади?

5. Ф.де Соссюр томонидан илгари сурилган асосий ғоялар нималардан иборат?

6. Ҳозирги тилшуносликда бу борада амалга оширилган қандай ишларни биласиз?

7. Тизимли ёндашувга доир Қадимги Ҳинд, Юнон, Рим, Хитой, Араб, Ўрта Осиё, Европа уйғониш даври ва рус тилшунослиги вакилларининг фикрларини тўпланг.

Адабиётлар:

1. Бушуй Т., Сафаров Ш. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси.-Т. «Фан», 2007.

2. Березин Ф.М., Головин Б.Н. Общее языкознание. – М., 1979.

3. Гуннар Скирбекк, Нилс Гилье. Фалсафа тарихи.-Т.: “Шарк”, 2002.710.

4. Кодухов В.И. Общее языкознание. – М.,1974.

5. Кондрашов. Н.А. История лингвистических учений. - М., 1979.

6. Расулов Р. Умумий тилшунослик. –Т., 2010.

7. Усмонов С. Умумий тилшунослик. –Т., 1972.

8. Соссюр. Ф. де. Труды по языкознанию. – М., 1977.

9. Соссюр Ф. де. Заметки по общей лингвистике. – М.,1990.

10. Неъматов Х., Бозоров О. Тил ва нутқ. –Т., 1993.

11. Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи.-Т., 2002.

СИСТЕМА ВА УНИНГ ЛИНГВИСТИК ТАЛҚИНЛАРИ

1-§. Система

Система – (юнонча сўз бўлиб) элементларнинг муайян қонун ва қоидаларга асосланувчи муносабати натижасида ташкил топадиган яхлитликдир. Бундай яхлитликни ташкил этувчилар эса система элементлари ҳисобланади. Ҳар қандай система замирида бутун ва бўлак муносабати ётади. Зеро, элементларнинг узвий муносабати бор жойда бутунлик, яхлитлик вужудга келади. Айни пайтда ҳар қандай бутунлик таркибий қисмлардан, яъни бўлақлардан ташкил топади. Таркибий қисмлар бутунликда тутган ўрни ва салмоғига кўра турлича бўлиши мумкин. Бўлақларнинг бутунликдаги ўрни ва ўзаро алоқаси муайян қоидаларга асосланади. Бутун ва бўлақлар ўртасидаги тартибга солинган бундай мавҳум муносабат орқали система, структура ва элементлар ўртасидаги муносабатни тасаввур қилиш мумкин.

Система яхлит қурилма экан, у албатта ички тузилишга эга бўлади. Система элементларининг ички тузилиши ва уларнинг ўзаро муносабати орқали **структура** ўз ифодасини топади. Структура термини лотин тилидан олинган бўлиб, “тузилиш”, “қурилиш”, “жойлашиш” каби маъноларни англатади. Шу маъноларига кўра системага нисбатан торроқ моҳиятли бўлган структура термини система элементларнинг жойлашиш тартиби, ички қурилиши, тузилишини ифодалайди (*Бушуй Т., Сафаров Ш.* 2007:40). Система материал (моддий) ва идеал (идрокий) элементларнинг структур узвийлигидан ташкил топиши мумкин. Шунга кўра системанинг икки тури, яъни материал система ва идеал система фарқланади. (В.М.Солнцев.1971:11)

2-§. Материал система

Материал система - моддийлик белгисига эга бўлган борлиққа оид элементлар муносабати асосида вужудга келади. Бу турдаги системанинг таркиб топишида иштирок этадиган элементларни бевосита кузатиш мумкин бўлган исталган объект мисолида кузатиш мумкин. Масалан, инсон организми (гавдани ҳосил қилган бош, оёқ, қўл ва уларнинг ички тузилиши,

қисмлари) ёки муайян вазифани бажаришга ихтисослашган ҳарбий бўлинма ва бошқалар.

Материал система уни ташкил этувчи моддий элементларнинг салмоғига кўра ҳам фарқланади. Хусусан, бир хил таркибли моддий элементларнинг муносабати асосида *содда материал система*, турли таркибли моддий элементларнинг муносабати асосида эса *мураккаб материал система* юзага келади. Содда ва мураккаб системаларни фарқлаш нисбий ёндашувга асосланади. Чунки бир ўринда содда деб баҳоланган система бошқа ўринда мураккаб бўлиши мумкин. Масалан, табиатни бир бутун мураккаб система деб оладиган бўлсак, ундаги ўсимликлар дунёси содда материал системадир. Ўз навбатида, ўсимликларнинг ўзи яна бир қанча материал системаларга ажратилиши мумкин.

Демак, содда материал система таркибан бир турдаги моддий элементларнинг муносабатига асосланса, мураккаб материал система эса бир неча турдаги элементлар муносабатига асосланади. Содда ва мураккаб системаларни фарқлаш тил тизимини ташкил этувчи минимал (кичик) ва максимал (катта) бирликлар шажарасига хос муносабатни англашга ёрдам беради. Хусусан, тилнинг фонологик тизими ундаги энг қуйи бирликлар бўлиб, бу системани ташкил этувчи унли ва ундошларнинг ўзи яна бир неча ички элементлардан ташкил топади. Масалан, унли товушларнинг тил олди (и, э, а), тил орқа (у, ў, о) каби таснифий турларга ажратилиши шулар жумласидандир.

3-§. Идеал система

Идеал система - инсон ақлий фаолиятига даҳлдор бўлган тушунча ва ғоялар, билим ва кўникмалар каби тафаккур элементларидан таркиб топади. Идеал система элементлари тилшуносликда ички форма, лексик ва грамматик маъно, семема ва сема каби терминлар асосида қайд этилади. Шу хусусиятига кўра, идеал система элементлари инсоннинг когнитив фаолияти билан бевосита боғлиқдир. Чунки бу элементлар иштирокида кишилар томонидан хилма-хил мантиқий структуралар шакллантирилади. Хусусан, концепт, фрейм, гештальт,

сценарий, категория кабилар шулар жумласидандир (Ш.Сафаров. 2006:21).

Идеал элементлар англаш, билиш жараёнини шакллантирувчи бириклар бўлиб, бу жараён А.А.Потебнянинг таъбирича, қуйидагича амалга ошади: инсон томонидан, дастлаб, объектив борлиқ (предмет) кузатилади, сўнгра унга хос муҳим белгилар (ички форма) аниқланади ва шу асосда нарсанинг ҳиссий образи шаклланади, ҳиссий образ тасаввурни вужудга келтиради, тасаввур эса муқаддам эришилган тажрибалар асосида янгисининг вужудга келишига, яъни *апперцепцияга* таянади, энг сўнгги босқичда нарса ҳақидаги ички мушоҳада ва тушунча пайдо бўлади (Березин Ф.М.1975:82).

Шунинг билан бир қаторда, инсоннинг фикрлаш, идрок этиш фаолияти қиёслаш асосида ҳам амалга ошади. Бу фаолият, маълум бир объектнинг бошқасидан фаркланувчи белгиларини аниқлаш, аниқланган белгиларни чоғиштириш асосида объектнинг ҳиссий рамзини яратиш, ҳосил бўлган ҳиссий рамзни хотирада мавжуд бўлган бошқа рамзлар билан ўхшаш томонларини аниқлаш ва ниҳоят уларни умумлаштириш каби босқичлар асосида юзага чиқади (Сафаров Ш.2008:15).

Демак, ҳар иккала ҳолатда ҳам фикрлаш жараёни муқаддам эришилган билимлар базасида (яъни *апперцепцияга* таянган ҳолда) янгисини вужудга келтиради. Шунингдек, ҳар иккала ҳолатда ҳам идрокий образ, тасаввур, тушунча ва маъно идеал система элементлари вужудга келади. Бундай идеал элементларни вужудга келтирувчи восита онг бўлиб, бу восита ёрдамида барча моддий элементлар ҳамда инсон тасаввури асосида моддийлашган элементлар (масалан, шайтон, жин, ажина) идеал унсур қиёфасини олади. Инсоннинг ақл-заковати асосида вужудга келадиган идрокий элементларнинг иккиламчи моддийлигини таъминловчи асосий восита тилдир. Шунингдек, идрокий элементлар тасвирий санъат, турли чизма, схема, жадвал ва ишоралар шаклида ҳам моддий қиёфа касб этиши мумкин. Буларнинг барчаси бирламчи моддийликнинг онг воситасида идрок этилиши ва иккиламчи қиёфа касб этишидан далолат беради. Шунинг учун ҳам манбаларда материал ва идеал система муносабати доирасида икки турдаги ички тизим, яъни

бирламчи ва иккиламчи системалар фарқланади (В.М.Солнцев. 1971:13).

4-§. Бирламчи материал система

Бирламчи материал система борлиқда мавжуд бўлган моддий элементлардан ташкил топади. Ўз навбатида, бу система табиий ва сунъий асосли эканлиги билан характерланади.

1. Табиий материал система бирор мақсадни кўзлаб атайин яратилмай, табиат қонуниятлари ва жамият тараққиёти асосида вужудга келган элементлардан ташкил топади. Инсон бундай системаларни турли тадқиқотлар асосида ўрганиши мумкин. Бирок унга ўзгартириш киритиш, ундаги моддий элементларни олиб ташлаш ёки алмаштириб қўйиш мумкин бўлмайди. Чунки табиий материал системага ноўрин аралашув ундаги мувозанатнинг йўқолишига ва узвийлик қонуниятининг бузилишига олиб келиши мумкин. Бундай системани бизни ўраб турган борлиқдаги турли планеталар муносабати, ердаги инсоният, ҳайвонот, наботот ва бошқа турли жисмларнинг ўзаро муносабати мисолида, шунингдек, инсонга ато этилган онг ва унинг махсули бўлган тил мисолида кузатиш мумкин. (В.М. Солнцев.1971:17)

2. Сунъий система инсон томонидан яратилиб унинг ақлидроки асосида қайта кўриб чиқилиши, мукаммаллаштириш, ривожлантириш мумкин бўлган тизимдир. Сунъий системанинг ташкил топишида бевосита табиий элементлар иштирок этади. Масалан, радио, аудио, видео ускуналар, бино ва бошқа иншоотлар шулар жумласидандир. Бу системаларнинг лингвистикага муносабати тилнинг табиий тизим эканлиги, нутқнинг эса сунъий системалар қаторидан ўрин эгаллаши мисолида кўзга ташланади (Ф.М.Березин, Б.Н.Головин.1979:97). Чунки нутқ айрим шахснинг маълум бир коммуникатив мақсадни рўёбга чиқариши учун тилда мавжуд бўлган имкониятлардан ўз иқтидори, билими ва тажрибасига яраша фойдаланишни тақозо этади. Нутқ инсонга хос бўлиб, унинг воқеланиши сўзлаш қобилияти асосида амалга ошади. Сўзлаш қобилияти эса табиий асосли онг билан боғлиқ бўлиб, маълум бир жамиятга мансуб шахсларнинг тилдан огоҳлиги, унинг

имкониятларидан фойдалана олиш кўникмаси ва даражасини англатади (Х.Нематов, О.Бозоров. 1993:9). Нуткнинг сунъий системага муносабати унинг сўзловчи томонидан қайта тузилиши, мукаммаллаштирилиши мумкинлиги орқали кўзга ташланади.

Тил эса унда сўзлашувчи халқ тақдири билан бевосита боғлиқ бўлиб, унда содир бўладиган ҳар қандай ўзгариш бевосита жамият тараққиёти ва унинг ижтимоий-табиий эҳтиёжи туфайлигина амалга ошади. Гарчи тил тизими табиий системалар сирасига мансуб бўлса ҳам, у жамият тараққиёти асосида вужудга келадиган талаб ва эҳтиёжларига мос равишда инсоннинг парваришига, турли тадқиқотлар асосида бойитиб, ривожлантириб боришига ҳамиша эҳтиёжманддир.


5-§. Иккиламчи материал система

Иккиламчи материал система бирламчи моддийликнинг идрок этилиши натижасида вужудга келадиган элементларнинг фонетик бирликлар воситасида қайта моддийлашуви орқали ўз ифодасини топади. Тилнинг иккиламчи моддий системага муносабати тил белгиларининг таркибан идеал (яъни бирламчи моддийликка хос ҳиссий образ, тасаввур, тушунча ва маъно) ва материал (нутқ товушлари тизмаси) элементлар узвийлигидан ташкил топиши орқали кўзга ташланади.

Демак, иккиламчи материал системанинг моддий асоси нутқ воситасида таъминланади. Бу моддийлик нутқ товушлари ва бошқа бирликларнинг идеал формаси бўлган фонема, морфема, лексемаларга хос артикуляцион-акустик образ шаклида кишиларнинг хотирасида сақланади. Маъно эса инсон томонидан бирламчи моддийликларни кузатиши натижасида вужудга келадиган ҳиссий образ, тасаввур, тушунча каби идеал элементлардан биридир. Зеро, бу идеал элементнинг шаклланиши ҳиссий образ, тасаввур ва тушунча каби босқичлар билан боғлиқдир.

Артикуляцион-акустик образ ва маъно ўртасидаги боғланиш “ижтимоий шартланиш”га асосланади (Соссюр. 1977:100). Ана шу асосда бирламчи моддийликнинг тилдаги иккиламчи моддий ифодалари вужудга келади. Шунинг учун ҳам биз дарахтни

кўрганимизда “дарахт” сўзини ва аксинча “дарахт” сўзини талаффуз қилганимизда бевосита дарахтнинг идрокий образини кўз ўнгимизда гавдалантира оламиз. Иккиламчи моддий системани ташкил этувчи моддий ва идрокий (идеал) элементлар ўртасидаги муносабатни қуйидагича тасаввур қилиш мумкин:



Тилшуносликда тил бирликларининг таркибини ташкил этувчи моддий ва маъновий элементлар турлича терминлар ёрдамида изоҳланади. Масалан, В.фон Гумбльдт: “Тил формаси ташқи ва ички формалар узвийлигидан таркиб топишини қайд этади” (Кодухов В.И. 1974:28). Тилдаги лексик бирликларнинг компонент таҳлилида бу элементлар номама ва семема терминлари билан юритилади. Номама инсон онгида муайян фонемалар тизими орқали сақланадиган акустик образ бўлса, семема лексеманинг маъно томонини ташкил қилади (Қаранг: Ҳ.Неъматов, Р.Расулов. 1995:54). Ф.де Соссюр тил белгиларини ифодаловчи ва ифодаланувчилар узвийлигидан таркиб топишини таъкидлайди. Ифодаланувчи тил белгисининг маъновий томонини, ифодаловчи эса тил белгисининг моддий томонини (яъни фонетик қобиғини) тақозо этишини қайд этади (Соссюр. 1977:99-100).

Унинг фикрига кўра, артикуляцион-акустик образ ва маъно ўртасидаги боғланиш ҳеч қандай ички қонуниятга таянмайди. Масалан, “сингил” тушунчаси уни ифодаловчи *sister* ифодаловчиси билан ҳеч қандай ички алоқага эга эмас. Шу боис сингил тушунчасини *sister* ифодаловчисидан бошқасини танлаш асосида ҳам ифодалаш мумкин. Ифодаловчиларнинг ана шундай танланиши муайян бир маънонинг турли тилларда турлича ифода этилиши мисолида яққол кўзга ташланади (Соссюр. 1977:100).

Бундай ижтимоий шартланишнинг ўзига хос далилини янги туғилган чақалокка исм қўйилиши мисолида ҳам кузатиш мумкин. Зеро, ўғил болаларга қўйиладиган Ботир исми гўдакнинг ташқи кўриниши ва ички дунёси билан ҳеч қандай боғлиқликка эга бўлмайди. Бу исм боланинг қариндошлари томонидан келишилган ҳолда, маълум бир ният билан қўйилади. Исмнинг асосий вазифаси инсонни жамиятдаги бошқа кишилардан фарқлаш билан чегараланади. Шунинг учун ҳам, исмлар, кўп ҳолларда, унинг эгаси бўлган шахснинг хулқ-атвори, ташқи жиҳатлари билан алоқадор бўлмайди.

Тилнинг иккиламчи материал системага муносабатини далиллашда муҳим бўлган бирлик сўздир. Зеро, сўз (лексема) тилдаги энг мукамал ва тугал бирлик эканлиги билан фонема ва морфемалардан фарқланади. А.Р.Лурия сўзни борликдаги нарса ва ҳодисаларни ифодалаш орқали уларни иккилантирувчи ва инсон хотирасида борлик ҳақидаги маълумотлар базасини шакллантирувчи восита сифатида таърифлайди. Унинг ёзишича: “Сўз ҳаётий тажрибаларни авлоддан авлодга етказиш, борлик ҳақида таҳлилий мулоҳаза юритиш ва ҳиссий элементларни рационал (ақл-идрокка асосланган) сатҳга ўтказишда беқиёс аҳамиятга эга бўлган бирликдир” (А.Р.Лурия. 1979: 46.).

Юқорида таъкидланганларни умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, ҳар қандай моддий ва номоддийликни онг орқали идрок этиш натижасида идеал система элементи вужудга келади. Идеал системани ҳаракатлантирувчи моддий ва номоддий (ҳиссий) элементлар бирлиги бирламчи материал системани ташкил этади. Тил бирликлари бўлган семиотик бегилар эса идеал система элементининг моддий ҳосиласи сифатида иккиламчи материал системага мансубдир. Шундай экан, тил бирликлари объектив борликдаги нарса ва ҳодисалар хусусидаги инсон онгидаги маълумотларни ташиш, сақлаш каби хусусиятлар сингдирилган тизим эканлиги билан иккиламчи материал системага, яъни семиотик системага мансубдир.

Таянч сўз ва иборалар:

1. Система (юнонча сўз) муайян қоидалар асосида ўзаро узвий боғлиқ бўлган элементларнинг тартибга солинган бутунлиги, яхлитлигидир.

2. Структура системадаги элементларнинг муносабатлари асосида юзага келадиган ички тузилшдир

3. Идеал система - инсон ақлий фаолиятига дахлдор бўлган тушунча ва ғоялар, билим ва қўникмалар каби тафаккур элементларининг яхлитликдан иборат бўлади.

4. Материал система – бевосита кузатиш мумкин бўлган содда ва мураккаб моддий элементларнинг воситасида юзага келган яхлитликдир.

5. Материал система таркибан қуйидагилардан ташкил топади:

- бирламчи материал система борликдаги моддийликлардан таркиб топади;

- иккиламчи материал система бирламчи моддийликларни ифодалаш учун хизмат қиладиган тил системасидир.

- бирламчи моддий элементларнинг иккиламчи моддийлиги *анперцептив* фаолият билан боғлиқдир.

- *анперцептив* фаолият - муқаддам ўзлаштирилган билимга таянган ҳолда янгисини вужудга келтириш демақдир.

6. Тил бирликлари объектив борликдаги нарса ва ҳодисалар хусусидаги инсон онгида шаклланган маълумотни ташиш, сақлаш каби хусусиятларга бўлган иккиламчи материал элементлардир.

7. Тил сунъий системадан фаркли равишда табиий системалар қаторидан ўрин эгаллайди. Чунки, белгилар табиатан дахлсиз бўлиб, уларни тубдан ўзгартириш мумкин эмас. Тилга хос хусусият онгнинг табиий асосли эканлиги билан ҳам боғлиқдир.

8. Сунъий система нутқ воситасида ўз ифодасини топади. Чунки, нутқни тахир қилиш ёки қайта тузиш мумкин.

Мавзуга доир савол ва топшириқлар:

1. Система нима ва унинг қандай турлари мавжуд?

2. Структура нима?

2. Материал ва идеал система муносабатини тил

бирликлари ёрдамида изоҳланг.

3. Нега тил иккиламчи материал системани тақозо этади?

4. Тил тизимининг сунъий ва табиий системаларга муносабати нималарда кўзга ташланади?

Адабиётлар:

1. Березин Ф.М. История лингвистических учений – М.: «Высшая школа», 1975.
2. Кодекс В.И. Общее языкознание. - М.: «Высшая школа», 1974.
3. Кондрашов. Н.А. История лингвистических учений. - М.: «Просвещение», 1979.
4. Лурия А.Р. Язык и сознания. - М.: МГУ, 1979.
5. Неъматов Х., Бозоров О. Тил ва нутқ. –Т.: «Ўқитувчи», 1993.
6. Неъматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари.-Т.: «Ўқитувчи», 1995.
7. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. - Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2008.
8. Сафаров Ш.. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: «Сангзор», 2006.
9. Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. – М.: «Наука», 1971.
10. Соссюр. Ф. де. Труды по языкознанию. – М.: «Прогресс», 1977.
11. Соссюр Ф. де. Заметки по общей лингвистике. – М.: «Прогресс», 1990.

ТИЛ ТИЗИМИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

1-§. Тил тизимининг ишлаш принциплари ҳақида

Система элементлар узвийлигидан таркиб топишига кўра умумий хусусиятлидир. Бу умумийлик табиат ва жамиятда мавжуд бўладиган тизимларни алоҳида тавсифлаш заруратини келтириб чиқаради. Чунки ҳар бир система маълум бир мақсад учун хизмат қилишига кўра ўзига хослик касб этади. Жумладан, тил системасининг ўзига хослиги бирламчи моддийликларни кузатиш асосида вужудга келадиган тушунча ва ғоялар, билим ва кўникмаларни ифодалаш, сақлаш ва кейинги авлодга етказиш кабилар орқали намоён бўлади. Айнан ана шу хусусиятлар тилни бошқа табиий системалардан фаркли ҳодиса эканлигини

далиллашга хизмат қилади. Тил муайян жамият вакиллари учун умумий бўлиб, у аввалддан тайёр ҳолга келтирилган ва қабул қилиниши мажбурий бўлган бебаҳо мерос ҳисобланади. У жамиятнинг ҳар бир вакили учун маълумот тўплаш, сақлаш ва ифодалаш воситаси сифатида хизмат қилади.

Инсон борликдаги нарса ва ҳодисаларни кузатар экан, унга хос белгиларни муқаддам ўзлаштирилган билимларга таянган ҳолда кашф этади ва бу идрокий жараёнда тил тафаккурни ҳаракатга келтирувчи восита вазифасини бажаради. Бу жараёни Н.Чомский ботиний ва зоҳирий структуралар муносабати эътиборидан келиб чиқиб, қуйидагича тавсифлайди: «Инсон онгида жумла мазмунини ташкил этувчи пропозитив тизим вужудга келади. Ушбу тизим грамматик трансформация деб номланувчи формал операция ёрдамида физик сигнал қиёфасига эга бўлади. Ана шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, категориал жиҳатдан ташкил топган ва физик сигнал сифатида воқеланадиган жумлаларда зоҳирий структура ўз ифодасини топади. Ушбу структуранинг мавҳум муқобили эса ботиний структурадир» (Звегинцев В.А.1973:80-81).

Пропозиция инсон онгида юзага келадигани тезкор структура бўлиб, бу структура борликдаги нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро алоқадорлиги, боғлиқлигини идрок этиш асосида ҳосил бўладиган билимлар заҳираси асосида шаклланади (Кубрякова Е.С., Демкова В.З., Панкерц Ю.Г., Лузина Л.Г.1997:137). В.Б.Касевичнинг эътирофига кўра, пропозициянинг сиқик моҳияти предикат орқали ўз ифодасини топади. Предикатни билиш унинг валентлик имкониятларини, ўз навбатида, аргументлар потенциалини билиш билан тенгдир. Қаерда пропозиция бўлса, ўша ерда предикативлик ҳодисаси ҳам кузатилади. Ўз навбатида, предикат ҳам, пропозиция ҳам замондан холи ҳолда намоён бўлади (Касевич В.Б.1988:61, 69).

Ҳар қандай ботиний структуранинг вужудга келиши учун **мотив** муҳим аҳамият касб этади. Зеро, мотив, ботиний структурани шакллантирувчи предикатнинг реал борликдаги қайси объект билан боғланганини кўрсатиб туради. Яна ҳам аниқроқ айтганда, мотив сўзловчининг идрокий фаолиятининг кўзғалишига сабаб бўлувчи ташқи объектни белгилашга хизмат

қилади. Шунинг учун ҳам А.Р. Лурия мотивни айтилажак фикрнинг режаси ва схемасини белгиловчи бошланғич асос сифатида таърифлайди (Лурия А.Р.:276).

Бундан келиб чиқадики, ташки структурасига кўра тил бирликнинг оддий бириктирилиши тарзда намоён бўладиган жумлалар туб моҳиятига кўра, нарса ва ҳодисаларга хос узвийлик қонуниятини идрок этиш натижасида юзага келадиган пропозитив структураларга асосланади. Пропозитив структурадаги семантик-синтактик марказ эса предикат ҳисобланади. Чунки предикат валентлик талаби асосида ўзига тегишли бўлган аргументлар билан муносабатга киришгани ҳолда, ички мушоҳадани шакллантиради Ўз навбатида, ички мушоҳада нутқий деривацион структуралардан бири воситасида рўёбга чиқади. Бундай структуралар ижтимоий нутқий фаолият асосида шаклланган ва сўзловчи томонидан ўзлаштирилган аналогик моделлардан вазиятга мувофиғини танлаш асосида амалга оширилади. Масалан, *келди* феълнинг семантик таркиби субъект (ким), макон (қаердан), замон (қачон), ҳолат (қай тарзда) каби аргументлардан ташкил топади. Ушбу предикат аргументлари эса семантик-синтактик валентлик тақозосига кўра ўзаро муносабатга киришади. Ана шу асосда вужудга келган ботиний структуранинг бевосита ифодаси нутқ вазияти талабига кўра тил бирликларини танлаш ва нутқий фаолият воситасида орттирилган тажрибаларга таяниш асосида қуйидагича амалга оширилиши мумкин: а) предикатнинг субъект билан муносабати асосида: *Ўқувчилар келишди // Отам келдилар*; в) предикатнинг субъекти ва макон аргументлари муносабати асосида: *Ўқитувчилар мезейдан келишди // Отам ишдан келдилар*; г) предикатнинг субъекти, макон ва пайт аргументлари муносабати асосида: *Яқинда ўқувчилар музейдан келишди // Этралабга яқин отам ишдан келдилар*; д) предикатнинг субъекти, макон, пайт ва ҳолат аргументлари муносабати асосида: *Яқинда ўқувчилар музейдан чарчаб келишди // Этралабга яқин отам ишдан хориган ҳолда келдилар* каби.

Келтирилганлардан англашиладики, тил тизимига хос хилма-хил элементларнинг муайян коммуникатив мақсад билан боғлиқ ҳолда рўёбга чиқишида синтагматик муносабат муҳим

аҳамият касб этади. Зеро, сўзловчининг мақсади ана шу қонуният асосида рўёбга чиқади. Парадигматик муносабат эса синтагматик муносабатни воқелантирувчи ички имконият вазифасини ўтайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам содир бўладиган лингвистик жараён тил системасидаги мавжуд элементларнинг бир йўла ҳаракатига асосланмайди, балки муайян ифода мақсади ифодаси учун зарур бўлган тил элементларининг иштироки билан чегараланади. Тил системасидаги бошқа элементлар эса ўз парадигмаларида заҳира имконият сифатида жараёндан ташқарида, ҳаракатсиз (статик) ҳолатда туради. Ана шу хусусиятлар тилни бошқа табиий тизимлардан фарқловчи энг муҳим бегиларидан бири ҳисобланади.

Тил тизимининг амалий фаолияти, бошқа тизимлар сингари, умумсистема доирасида амал қилувчи ички тизимлар муносабатига асосланади. Хусусан, инсоннинг фикрлаш ва билиш фаолиятининг ўзи алоҳида мураккаб тизимни, яъни когнитив тизимни ташкил қилади. Ушбу фаолият натижасида вужудга келадиган мантиқий структураларнинг лингвистик ифодаси, унда иштирок этадиган бирликлар ҳамда ҳар бир бирлик замирида ўзига хос тизимлар тизими ўз ифодасини топади. Хусусан, тилнинг фонетик, морфемик, лексик сатҳларининг ҳар бири орқали ана шундай тизимли муносабатини кузатиш мумкин.

Тил кишилар хотирасида нисбий барқарор ҳолатда сақланувчи имкониятлар тизимидир. Бу тизимнинг амалий фаолияти янги бир тизимни, яъни нутқ тизимини вужудга келтириш билан яқунланади. Бирок, нутқда вужудга келадиган ҳар қандай микроtizим мазмун – моҳиятига кўра бетакрор бўлса ҳам, ташқи формаси билан ҳамisha ижтимоий аналогик қонуниятларга асосланади. Айнан ана шу қонуният тил тизимини қийинчиликсиз ўзлаштириш имконини яратади.

Қайд этилганлардан англашиладики, тил системасининг амалий фаолияти, бошқа системалардан фарқли равишда тизимдаги барча элементларнинг бир йўла ҳаракати билан эмас, балки ундаги бир қисм элементларнинг фаоллашуви билан боғлиқ бўлади. Тилда мавжуд бўлган имкониятлардан фойдаланиш эса, инсонга хос бўлган сўзлаш қобилияти орқали

амалга ошади. Нутқ жараёнида фонема, морфема, лексема каби тил бирликлари кетма-кет ва мақсадга мувофиқ тарзда қандай тезлик билан тизим ҳосил қилса, унинг тилдаги статик ҳолатига қайтиши ҳам шундай тезлик билан содир бўлади. Мазкур жараённи ҳаракатлантирувчи аналогик механизмлар жамоавий нутқий фаолият таъсирида кишиларнинг тил хотирасидан ўрин олади ва унинг ҳар қандай макон ва замонда бетўхтов фаолият кўрсатишини таъминлайди.

2-§. Тилда система, структура ва элементларнинг ўзаро муносабати

Тил элементларининг тартибга солинган бутунлиги, яхлитлиги орқали система ўз ифодасини топади. Ушбу системанинг ички қурилиши, система элементларини бирлаштирувчи шакл орқали эса структура намоён бўлади (В.М.Солнцев.1971:25). Демак, структура тил тизимининг ташқи ва ички қурилиши билан боғлиқ бўлиб, унинг ҳар бир элементи (бирлиги) орқали система ва структура муносабатини кузатиш мумкин:

1. Тил тизимидаги энг кичик бир ҳадли бирлик фонема бўлиб, тил эгаларининг маълум товушлар типи ҳақидаги умумий тасаввурларини ўзида акс эттиради. Тил бирлиги бўлган фонемалар фонологияда, фонемаларнинг вариантлари бўлган нутқ товушлари эса фонетикада ўрганилади. Зеро, нутқ товушлари ҳақидаги таълимот (фонетика) аниқ, яъни моддий физик ҳодисаларни, тил товушлари ҳақидаги таълимот (фонология) эса шу товушларнинг идрокий функционал хусусиятларини тадқиқ қилади.

Ҳар бир фонема муваққат система сифатида структур қийматга эгадир. Хусусан, уларга хос структура артикуляцион-акустик образни тақозо этувчи “меризматик” элементлар асосида аниқланади. Масалан, [а] фонемасига хос унлилик, кенглик, лабланмаганлик, [т] фонемасига хос ундошлик, шовқинлилик, жарангсизлик, портловчилик, тил олдилик каби меризматик аломатлар мазкур фонемаларнинг ички структурасини тақозо этади (Бенвенист Э. 1976)

Тил бирлиги бўлган фонемалар ўзидан каттароқ birlikлар учун қурилиш ашёси бўлиб хизмат қилади. Хусусан, фонемалар сўзлар, морфемалар ва грамматик шаклларнинг товуш қобиғи асосида уларни шакл ва маъно жиҳатдан тафовутлаш имконини беради. Масалан, [ур, ўр] сўзлари уларни ташкил этувчи фонемаларга хос дифференциал белгилар орқали фарқланади.

Фонемаларнинг дифференциал белгилари деганда уларни бир-биридан фарқлаш учун хизмат қиладиган аломатлар тушинилади. Масалан, [у] ва [ў] унлилари ўзининг тил олди ва тил орқалиги билан ажралиб туради, демак, бу белгилар икки фонеманинг **дифференциал белгилари** саналади. Бундан ташқари, фонемалар ўзига хос интеграл белгиларга ҳам эга бўлади. **Интеграл белгилар** уларнинг ўзаро фарқланмайдиган аломатларидир. Юқоридаги [у] ва [ў] фонемаларига хос унлилик, лабланганлик белгилари ана шундай аломатлардир. Фонемаларга хос интеграл ва дифференциал белгилар асосида фонологик оппозиция белгиланади. Фонологик оппозиция икки фонеманинг бир ва бирдан ортиқ фарқланиш белгилари асосида ўзаро зидлик ҳосил қилишидир.

2. Тил тизимидаги энг кичик икки ҳадли birlik морфемадир. Морфемалар тилшуносликнинг алоҳида соҳаси бўлган морфемикада ўрганилади. Морфемаларнинг яхлит тизим эканлиги ва бу тизимга хос структура уларнинг икки ҳадли, яъни ифодаловчи ва ифодаланувчи қисмлари асосида белгиланади. Ифодаловчи қисм уларни ташкил этувчилари бўлган фонемаларнинг структур узвийлиги орқали аниқланади. Масалан, о+л+м+а морфемаси икки унли ва икки ундош фонемаларнинг структур узвийлигидан ташкил топган.

Ифодаланувчи қисмга хос структур узвийлик эса морфемаларга хос идеал элементлар моҳиятидан келиб чиқиб белгиланади. Масалан, морфемаларнинг эркин (муस्ताқил), боғлиқ (номуस्ताқил) турларга ажратилиши, боғлиқ морфемаларнинг сўз ясовчи, луғавий шакл ясовчи, синтактик шакл ясовчи каби ички гуруҳларга ажратиш асосида морфемалар тизимига хос структур узвийликни белгилаш мумкин.

Морфемалар тизимидаги бундай структураларни белгилашда уларга хос интеграл ва дифференциал аломатлар эътиборга олинади. Зеро, морфемалар муайян интеграл белгисига кўра у ёки бу микротизим аъзосига айланади. Уларга хос дифференциал белгилар эса ҳар бир морфеманинг ўзига хослиги, бетакрорлигидан далолат бериб туради. Масалан, сўз яшаш хусусиятига эга бўлган барча морфемаларни мутлақ муштарак деб бўлмайди. Чунки сўз ясовчилар тизимига мансуб бўлган ҳар бири морфема ўзига хос хусусий дифференциал белгиларга эгаллиги билан бир-бирига зиддир. Хусусан, от ясовчилар тизимига мансуб бўлган морфемаларнинг ҳар бири ўзига хос ташқи структурага эга бўлиши билан бирга, шахс, нарса-буюм каби туркум отларнинг ясалишида иштирок этиш имконини берувчи маъно (функция) жиҳатдан ҳам фарқланади. Ана шундай дифференциал ва интеграл белгилар оппозицияси асосида морфемалар тизими ташкил топади.


3. Лексема тилнинг энг муҳим номинатив бирлигидир. Чунки у борликдаги нарса-буюмларни, предмет сифатида тасаввур қилинадиган мавҳум тушунчаларни, ҳаракат-ҳолатни, ранг-тус, маза-таъм, ҳажм-миқдор, хислат каби белги-хусусиятларни номлайди. Тилда номлаш хусусиятига эга бўлмаган, бинобарин, лексик бирлик саналмайдиган лексемалар ҳам бор. Улар фақат грамматик ёки модал маъноларни ифодалайди, шунга кўра грамматик сўзлар ёки морфема-сўзлар ҳисобланади. Хусусан, ёрдамчи сўзлар, модал сўзлар, тақлидий сўзлар, ундовлар ва олмошлар шулар жумласидандир.

Тилшуносликда лексик мазмунли сўзларнинг структураси ҳар хил таърифланади. Жумладан, бир ўринда лексик мазмунли сўзларнинг ифода плани (товушлардан таркиб топган моддий томони) **лексема** деб, мазмуни (ифодаланувчиси) эса **семема** деб таърифланади. Бошқа бир ўринда эса лексема сўзнинг ифода планигина эмас, балки унинг ифода ва мазмун планлари бирлигидан иборат яхлитлик эканлиги таъкидланади. Бу бутунлик номинатив функциядаги сўз ёки сўз бирикмаси шаклида бўлади. У ономасиологияда тилнинг луғат таркибидаги бир компонент (вокабула) сифатида, семасиологияда эса маълум

маънолар таркибидан иборат бирлик (семантема) сифатида ўрганилади (Кодухов В.И.1979:184).

Шундай қилиб, лексема тил тизимидаги икки ҳадли бирлик бўлиб, унинг ташқи структураси *номема*, ички структураси эса *семема* деб номланувчи элементлардан ташкил топади. Лексеманинг ифода плани, яъни номемаси унинг фонетик қобиғи бўлиб, у таркибан фонемалар, бўғинлар ва сўз урғусидан иборат моддий элементлардан ташкил топади. Ҳар бир тилда лексеманинг бўғин типлари, унинг фонетик таркиби ўзига хос тарзда намоён бўлади. Масалан, ўзбек тилининг ўз қатламига мансуб бир бўғинли лексемаларнинг фонетик таркиби ундош+унли+ундош (сўз), унли+ундош (*ун*) тарзида бўлади. Бўғин ва сўз бошида икки ундош қаторлашиб келмайди, аммо сўз охирида икки ундошнинг кетма-кет келиши учраб туради. Лексеманинг номемасини ташкил этувчи бу шакллар **ташқи форма** деб ҳам юртилади.

Лексеманинг мазмун плани унинг луғавий маъноси ва услубий бўёқларидан ташкил топади. Тилшуносликда лексеманинг бу жиҳати семема термини билан юритилади. Семеманинг структур узвийлиги семалар бирлигидан иборат бўлади ва семалар семемани ташкил этувчи минимал бирликлар сифатида қаралади. Ана шу элементлар асосида лексеманинг семантик структураси белгиланади. Лексеманинг мазмун планидаги лексик маъно ва услубий семалар (прагматик сема) унинг **ички формаси** саналади. Лексемани ташкил этувчи элементлар узвийлигини қуйидагича тасаввур этиш мумкин:



Шундай қилиб, тил системасида элемент ва структура ўртасидаги муносабат бири орқали иккинчисининг келиб чиқишига асосланади. Зеро, бир ўринда элемент мақомига эга бўлган бирлик, бошқа ўринда структурани тақозо этиши мумкин. Масалан, морфемани тилнинг фонетик элементларидан

таркиб топадиган структура сифатида эътироф этиш мумкин. Чунки морфемаларнинг моддий ифодаси фонемалардан, маъновий ифодаси эса “семема” ва “граммема”лардан ташкил топади¹. (В.М.Солнцев.1971:191) Бу ўринда ташкил этувчи элемент бўлган фонемаларнинг меризматик элементлардан иборатлиги эътиборга олинадиган бўлса, фонеманинг ўзи яхлит структура эканлиги маълум бўлади. Худди шунингдек, граммема, яъни тагмеманинг *эписемалардан*, семеманинг эса семалардан ташкил топиши мисолида ҳам система, структура ва элементлар ўртасидаги нисбий муносабатни илгаш мумкин. Система, элемент ва структура ўртасидаги бундай муносабатнинг вужудга келишига сабаб бўлган бош омил тилнинг ички тизимлардан ташкил топган мураккаб система эканлигидир.

3-§. Тил элементларнинг ўзига хос жиҳатлари хусусида.

Тилнинг мураккаблиги система таркибидаги ички системалар муносабати орқали кўзга ташланади. Ушбу мураккаб бутунликдаги муносабатларни таҳлил қилишда элементларга хос умумий ва хусусий белгилар ҳам эътиборга олинмоғи лозим. Бу белгилар элементларга хос система ташкил этиш, системага хосланиш, системага бетарафлик ва ажралувчанлик кабилардан иборатдир.

1. Тил элементларининг ҳар бири система ташкил этиш хусусиятига эгаллиги билан характерланади. Ана шу хусусият туфайли тил элементлари хилма-хил систем муносабатга кириша олади. Масалан, фонемаларга хос система ҳосил қилиш хусусияти, биринчи навбатда улар иштирокида ўзидан юқори

¹ Морфемаларнинг семантик структурасига хос идеал элементларнинг фарқланиши, дастлаб, Л.Блумфилд томонидан оширилган бўлиб, унинг эътирофига кўра, морфема таркибидаги энг кичик семантик бирлик семема, грамматик бирлик эса тагмемадир. Ўз навбатида, тагмема эписемалардан ташкил топади. Бироқ Л.Блумфилднинг таълимотида лексема, яъни сўз тилнинг алоҳида бирлиги сифатида тан олинмайди. У семемага эга бўлган мустақил морфемаларни лексикон сифатида ажратиш билан чегараланади. (Л.Блумфилд.1968: 69-74) Лексема, яъни сўз алоҳида тил бирлиги сифатида тан олинганда эса унинг семантик таркиби лексик ва грамматик маънолар фарқланади. Граммема луғавий бирликларга хос умумий категориал маънони, яъни грамматик маънони белгиловчи терминдир.

турувчи бирликларнинг таркиб топиши мисолида кўзга ташланади.

Бироқ фонемаларга хос система ташкил этувчанлик хусусияти унга хос минимал бирлик доираси билан ҳам чекланиб қолмайди. Чунки тил элементлари ўзига хос мақом ва вазифага эга бўлиш бирга, вазифадошлик асосида ўзидан юқори турувчи хилма-хил системаларни ташкил қилишда иштирок этиши ҳам мумкин. Жумладан, турли қисқартмалар, шартли белгиларни ҳосил қилишда фонемалар ўзига хос ихчамлик хусусияти асосида система ташкил қилиш хусусиятини намоён этиши мумкин. Масалан, М белгиси – “Бу ерда метро бекати бор” жумласига, N+V модели эса икки бош бўлакли исталган мақсадни ифодаловчи жумланинг рамзий ифодага, БМТ – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти сўзига хос моҳиятни ташувчиси сифатида хизмат қилади.


Тилнинг икки ҳадли элементлари ўзининг ифодаловчи ва ифодаланувчи жиҳатлари билан турли системаларни ташкил этиш хусусиятини намоён қилади. Масалан, боғлиқ морфемаларнинг сўз ясовчи, луғавий шакл ясовчи, синтактик шакл ясовчи типлари, лексемаларнинг турли семантик-тематик гуруҳлар ташкил этиши, жумла ташкил этишдаги иштироки уларнинг система ҳосил қилиш хусусиятидан далолат беради.

2. Элементларнинг системага хосланувчанлик белгиси ҳар бир элементнинг система ташкил этиш хусусияти билан боғлиқ ҳолда юзага чиқади. Шунинг учун ҳам бу белги тил элементининг структур узвийлигига даҳлдор хусусий белгиси ҳисобланади. Тил элементлари фақат муайян структур-систем муносабат ташкил қилгандагина хосланувчанлик белгисини намоён қилади. Масалан, $k+i+t+o+b$ // $k+n+i+g+a$, $b+o+o+k$ унли ва ундош фонемаларнинг ташкил этувчилик хусусияти туфайли китоб сўзи шаклланади.


3. Элементларнинг системага бетарафлик белгиси унинг система ташкил этишда аҳамиятсиз, яъни иккиламчи даражали аҳамиятга эга бўлган белгиларидир. Хусусан, $k+i+t+o+b$ лексемасининг шаклланишида иштирок этган фонематик элементларнинг таснифий ва оппозицион белгилари мазкур

микротизимни юзага келишига нисбатан иккиламчи аҳамиятга эга, яъни системага нисбатан бетараф белгилардир.

4. Тил элементлари дискрет, яъни ажралувчан хусусиятлидир. Бу белги ўз аҳамиятига кўра ноўхшашлик билан бир хилдир. Зотан, дискретлик ҳам парадигматик, ҳам синтагматик муносабат жараёнида элементларининг хилма-хил комбинацион бутунлик ташкил эта олиш имкониятлари ҳисобланса, ноўхшашлик эса элементларга хос ушбу имкониятларни турли парадигматик ёки синтагматик муносабат ташкил этишида бетакрорликни таъминлайди. Масалан:



Келтирилган структураларда элементларнинг ажралиш хусусияти мавжуд, бироқ иштирокчилар ноўхшашликка эга эмас. Шунинг учун ҳам элементлар ўртасидаги муносабат заиф. Агар ушбу жадвалга элементларга хос ноўхшашлик белгиси ҳам киритиладиган бўлса, у ҳолда элементлар ўртасидаги муносабат муайян бир моҳият доирасида янада зичлашади:



5. Тил элементларининг ноўхшашлик хусусияти уларни ташкил этувчиларнинг характериға монанд равишда хилма-хилликка асосланади. Масалан, фонема ўзининг барча ноўхшаш белгилари билан сўзловчининг хотирасида идеал акустик образ сифатида яшайди. Шу боис фонологик бирликларга хос ноўхшашлик меризматик элементлар орқали ўз ифодасини топади. Морфемаларнинг ноўхшашлиги фонемаларга хос белгилар асосида шаклланади. Айни пайтда фонемаларга хос дискретлик морфемаларнинг моддий структурасидаги ноўхшашлик учун муҳим омил бўлади. Морфема ёки лексемалар таркибида фонетик элементлар бир хил бўлганда эса, семантик элементлар фарқловчи восита сифатида хизмат қилади. Шундай қилиб, дискретлик тил элементларига хилма-хил системаларда такрор иштирок этиш имконини яратса, ноўхшашлик элементларининг дискретлик белгиси асосида бетакрор тизималар ҳосил қилиш имконини яратади.

Таянч сўз ва иборалар:

1. Тил системасининг бошқа системалардан фарқи маълу-мот ҳосил қилиш, сақлаш ва етказиш орқали кўзга ташланади.

2. Тил системасининг нутқий воқеланиши элементларнинг бир йўла ҳаракатланишига асосланмайди. Шунинг учун ҳам мулоқот жараёнида иштирок этмайдиган birlikлар статик ҳолатда бўлади. Нутқ талабига кўра динамик ҳолатга ўтган birlikлар ҳам мулоқот якунлангач, тил парадигмасидаги ўрнига қайтади.

3. Тил тизими элементларнинг система ташкил этиш хусусияти асосида юзга келади. Тил элементларига хос бу хусусият кичик элементларнинг катта birlikларни ташкил этиши ва вазифавийлиги орқали ўз ифодасини топади.

4. Тилга хос элементлар структур таркибга бирлашган ҳолда ўз барқарорлигига эга бўлади. Структура система таркибидаги тил унсурларининг боғланиши, алоқадорлигини, яхлитлигини ўзида акс эттирувчи воситадир.

5. Структура тил системасидаги моддий ва маъновий элементларнинг ички боғланиши, тартибли муносабати сифатида меъёр билан алоқадордир.

6. Тилдаги ҳар бир элемент система ташкил этиш хусусиятига эга бўлади. Элементнинг бу белгиси унинг дискретлиги (ажралувчанлиги) ва ноўхшашлиги кабилар билан бевосита боғлиқ бўлади.

7. Элементларнинг системага бетарафлик белгиси унинг система ташкил этишда иккиламчи аҳамиятга эга бўлган белгиларидир.

8. Номема морфема ва лексемаларнинг фонемалардан ташкил топадиган ташки структурасидир. Симема эса ана шу birlikларнинг ички маъноси бўлиб, семема структураси семалардан (маъно бўлакчаларидан) ташкил топади.

9. Семалар моҳиятига кўра денотатив (аташ маъноси), коннотатив (ифода-гасвир) ва функционал (грамматик маъно) семалардан ташкил топади.

10. Грамматик маъно граммема, эписема деб ҳам юритилади. Граммема ёки эписеманинг морфемалар орқали номоён бўладиган ички типи тагмемадир.

Маъзу бўйича савол ва топшириқлар:

1. Тил тизимининг бошқа системалардан фарқланувчи белгиларини аниқланг.
2. Тил тизимига хос элементларнинг система ташкил этувчанлик, хосланувчанлик ва бетарафлик белгиларини мисоллар ёрдамида изоҳланг.
3. Тил элементларининг ажралувчанлик ва ноўхшашлик белгилари мулоқат жараёнида қандай аҳамиятга эга бўлади?
4. Система ва структура ҳақида нималарни биласиз?
5. Граммема ёки эписема, тагмема, синтаксема терминларини луғатлардан фойдаланиб изоҳланг.

Адабиётлар:

1. Бенвенист Э. Общая лингвистика - М.: «Прогресс», 1976.
2. Ньёматов Ҳ., Бозоров О. Тил ва нутқ. –Т.: «Ўқитувчи», 1993.
3. Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. – М.: «Наука», 1971.
4. Соссюр. Ф. де. Труды по языкознанию. – М.: «Прогресс», 1977.
5. Соссюр Ф. де. Заметки по общей лингвистике. – М.: «Прогресс», 1990.
6. Лингвистический энциклопедический словарь. М.: «Советская энциклопедия» 1990.
7. Звегинцев В.А. Язык и лингвистическая теория. –М., 1973.
8. Кубрякова Е.С., Демкова В.З., Панкерц Ю.Г., Лузина Л. Г. Краткий словарь когнитивных терминов.–М., 1997.
9. Касевич В.Б. Семантика. Синтаксис. Морфология. – М., 1988.

ТИЛ, НУТҚ ВА НУТҚИЙ ФАОЛИЯТ

1-§. Тил, нутқ ва нутқий фаолият

Тил кишилиқ жамиятида ижтимоий онг маҳсули сифатида юзага келган мураккаб тизимдир. Тил тизими биликларнинг тайёрлиги, умумий ва мажбурийлиги билан характерланади. У фикрни шакллантириш ва уни нутқ жараёни асосида моддийлаштириш учун хизмат қиладиган бирликлар ва бирликларни ўзаро бирикишини таъминловчи қоидалардан ташкил топади. Тил бевосита кузатишда берилмаган виртуал хусусиятли ҳодисадир.

Тилнинг амалий фаолияти нутқ асосида кўзга ташланади. Нутқ тилдаги виртуал характерли элементларнинг актуаллашуви асосида вужудга келадиган индивидуал ҳодисадир. Нутқ асосида тилнинг бевосита кузатишда берилмаган имкониятлари моддийлашади ва тил системасига хос чекланган имкониятларнинг чексиз воқеланиши таъминланади. Нутқий чексизлик замирида маъновий асос ётади.

Юқорида айтилганидек, тил элементлари ноўхшаш ва дискрет хусусиятли бўлиб, айнан ана шу хусусиятлар туфайли тил бирликлари нутқ жараёнида хилма-хил маъно кирраларига эга бўлади. Бунда, шубҳасиз, инсоннинг индивидуал маҳорати муҳим аҳамиятга эга бўлади. Зеро, билим ва тажрибалар асосида инсон ўзининг тил ижодкорлигини намоён қилади. Хусусан, тил бирликларига хос бетакрорлик экстралингвистик ва интралингвистик омиллар билан боғлиқ ҳолда янги-янги маъно кирраларни яратиш имконини беради.

Тил ва нутқ бирликлари формал, яъни ташқи структурасига кўра анъанавий аналогияни ўзида акс эттиради. Чунки сўзловчи маълум бир ахборотни етказиш эҳтиёжи туғилганда ижтимоий нутқий фаолият асосида шаклланган аналогик структуралар, яъни моделлардан бирини танлаган ҳолда ўз эҳтиёжини қондиради. Шунинг учун ҳам, формал структураларни чегараланган миқдордаги моделлар асосида қайд этиш мумкин.

Тил ва нутққа хос формал структуралар замирида ижтимоий нутқий фаолият асосида ишлаб чиқилган меъёрлар ётади. Меъёрлар сўзлаш қобилиятининг самарали бўлишида (яъни

мулоқот жараёнида тузиладиган нутқ бирликларининг иштирокчилар учун бирдек тушунарли бўлишида) муҳим аҳамият касб этади. Нутқий (тил) фаолият аҳамияти тил имкониятининг нутқий воқеланиши билан ҳам чекланмайди. Чунки нутқ ҳамиша тил кудрати ва имкониятини оширувчи восита сифатида ҳам ижтимоий нутқий фаолиятга таянади. Хусусан, нутқ бирликларига хос моделларнинг тилга кўчирилиши (масалан, қўшма сўзлар, фразеолгик иборалар, парафразалар) ва барқарор фаолият кўрсатишида нутқий фаолият типиклаштирувчи восита вазифасини бажаради.

Ана шу хусусиятига кўра, нутқий фаолият лингвокогнитив фаолият билан уйғунлашиб кетади. Зеро, когнитив фаолият биргина бирламчи борликни идрок этиш натижасида вужудга келадиган билим ва кўникмалар, уларга доир ментал структураларни ўзида умумлаштириб қолмай, лингвистик билиш, англаш йўллари, усуллари ва қонуниятлари ҳақидаги билим, тажрибаларни ҳам ўзида бирлаштиради. Демак, нутқий фаолият бу сингари когнитив жараённинг воқеланишида ўзига хос ижтимоий майдон, меъёрий асос сифатида хизмат қилади. Ана шу меъёрий майдон туфайли тил муттасил равишда замон талабига мос бўлган аналогик механизмлар билан таъминлаб турилади.

Нутқ жараёни орқали инсоннинг сўзлаш қобилияти рўёбга чиқади. Нутқ тилнинг амалий ифодаси бўлса-да, бу уларнинг мутлақ муштарак ҳодиса эканлигини далилламайди. Чунки тил имконияти муайян миллатга мансуб кишилар учун умумий бўлади. Нутқ эса, ҳар бир кишининг индивидуал қобилияти асосида воқеланувчи субъектив ҳодисадир. Бу нутқнинг хусусийлиги, тилнинг эса умумийлигини белгилайди.

Нутқ муайян макон, замон ва шахс иштироки билан боғлиқ ҳолда содир бўладиган ҳодисадир. Тил эса бундай “синтактик модаллик”лардан холи бўлган умумий ва барқарор системадир. Г.Штейнталнинг сўзлари билан айтганда, “Нутқ тилнинг ҳозирги пайтда юз бераётган ёки ҳозирги пайтда юз бераётгани деб фикр қилинган кўринишидир». (В.А.Звегинцев. 1956:108) Ана шу нуқтаи назардан қаралганда, нутқ айтиб бўлган, айтилаётган ва айтилмоқчи бўлган фикрларни тақозо этади.

Нутқ ташқи ва ички нутқ тарзида намоён бўлиши мумкин. Хусусан, ташқи нутқ тилнинг ёзма ёки оғзаки шакилларида кўзга ташланади. Ички нутқ реал товушларнинг онгдаги образи воситасида тузиладиган формадир. Бу нутқ шакллари бири иккинчисига ўтиб, айланиб турувчи ҳодисалардир. Тил ва нутқ ҳодисаларига хос бу каби хусусий ҳамда умумий жиҳатлар дихотомия деб юритилади. Тил ва нутқ дихотомиясини куйидагилар асосида қайд этиш мумкин:

- Тил ҳам, нутқ ҳам, туб моҳиятига кўра, ижтимоий онг ва нутқий фаолият асосида вужудга келган мураккаб тизимлардир.

- Тил бевосита кузатишда берилмаган алоқа имконияти - нутқ эса ушбу имкониятнинг воқеланиши, рўёбга чиқишидир.

- Тил барча учун умумий бўлган имконият – нутқ эса ҳар бир кишининг хусусий фаолиятига тегишли бўлган маҳсулдир.

- Тилнинг умри, фаолият муддати чексиз, узок – нутқ бирликларининг умри эса чекланган, қисқадир.

- Тил имконияти макон, замон ва шахслар билан боғлиқ эмас – нутқ жараёни эса муайян макон, замон ва шахс фаолияти билан чегараланган бўлади.

- Тил бирликлари микдоран чегараланган–нутқ бирликлари эса чекланмаган бўлади.

- Тил бирликлари парадигматик – нутқ бирликлари эса синтагматик боғланишда яшайди.

- Тил элементлари статик – нутқ бирликлари эса динамик хусусиятлидир.

- Тил диахрон асослидир – нутқ эса синхронияга асосланади.

- Замонавий тилшуносликда тил - лисон - нутқ схемаси остида изоҳланаётган ҳодисалар, аслида, нутқий фаолият – тил – нутқ муносабати билан муштарак моҳиятлидир.

2-§. Лингвистик меъёрлар тушунчаси

Меъёр замирида “жамият (ижтимоий) томонидан белгиланган, аниқланган қонуниятлар ва имкониятлар” мажмуи ётади. (Ҳ.Неъматов., Р.Расулов. 1995:27) Меъёрнинг белгиланиши, аниқланиши, муайян қонуният ва ижтимоий имконият сифатида шаклланиши нутқий (тил) фаолият билан

боғлиқ бўлади. Зеро, меъёр тил имкониятларидан жамоавий фойдаланиш натижасида вужудга келган қонун-қоидалар мажмуини ўзида акс эттиради.

Ф.де Соссюр: “Нутқий (тил) фаолият биринчидан, жамият вакиллари томонидан шакллантирилган беқиёс қурол бўлса, иккинчидан, инсон учун ўзининг индивидуал ва туғма қобилиятини намоён этиш ва ривожлантириш имконини берадиган воситадир”, -деб таъкидлайди. (Соссюр Ф. де.1990:36)

Демак, тил системасига ҳос имкониятларнинг нутқий воқеланиши орқали ўз аксини топадиган меъёр, туб моҳиятига кўра, тил фаолияти (нутқий фаолият) натижасида жамғарилган қонуниятлар билан боғлиқдир ва ана шу хусусиятига кўра, меъёрни тил фаолиятига ҳос маҳсул деб ҳисоблаш мумкин. Кишиларнинг тилдан фойдаланиши мураккаб ва кўп қиррали жараён бўлиб, меъёр тилдаги турли сатҳларга ҳос бирликларнинг ижтимоий нутқий фаолият асосида белгиланган тамойилларга риоя қилишни тақозо этади. Бинобарин, В.И.Кодухов томонидан қайд этилганидек, нутқий фаолиятнинг ижтимоий аҳамияти сўзловчи томонидан ўз фикри ва ҳиссиётини ифода этувчи формаларни тузишда бефарқ бўла олмаслигида унинг имкон қадар тил меъёрига риоя қилишга интилиши ўз ифодасини топади (Кодухов В.И. 1974:170).

Тилнинг муайян вазият билан, хусусан, макон, замон ва муҳит билан боғлиқ ҳолда намоён бўлиши нутқ орқали кўзга ташланади. Ана шунга кўра, нутқнинг услубий меъёрлари белгиланади. Хусусан, ёзма ёки оғзаки нутқ услубларига ҳос меъёрлар, адабий нутқ, диалектал нутқ, оддий сўзлашув нутқи, жаргон нутқ, расмий нутқ, мактубот нутқи, бадий нутқ, тантанавор нутқ, мотам нутқи кабилар шулар жумласидандир (Э.Бегматов, А.Бобоева, М.Асомиддинова. 1983: 13). Меъёр бундай ҳолда тил имкониятларининг нутқ сўзланаётган вазиятга мослигини белгилловчи ўлчов сифатида намоён бўлади. Булардан адабий меъёр тилнинг марказий қонуниятини ўзида акс эттиради.

Нутқ жараёни тил эгалари томонидан ижтимоий асосга эга бўлган имкониятлардан индивидуал ҳолда фойдаланишни тақозо этади. Ана шунга кўра, меъёрнинг узуал ва

оказионаллиги белгиланади. *Оказионаллик* замирида сўзловчи томонидан қўлланган бирликнинг тингловчи учун тушунарсизлиги, ноодатийлиги, адабий тил қоидаларидан чекинганлиги ётади. *Узуаллик* эса, аксинча, нутқда қўлланган тил бирликларининг барча учун тушунарли, одатий эканлиги, адабий тил қоидалари даражасида эканлиги билан характерланади. Демак, “тил узуси ижтимоий жамоада қабул қилинган малака ва кўникмалар йиғиндиси”ни ўзида акс эттиради (Э.Бегматов, А.Бобоева, М.Асомиддинова. 1983: 13).

Меъёр “тил системасининг объектив реаллашуви” сифатида ҳам умумлаштирилади. Ўз навбатида, бу тушунчанинг замирида “муайян бир даврда, муайян тил жамоаси нутқда объектив равишда яшовчи сўзлар маъноси, сўзнинг фонетик структураси, сўз яшаш ва ўзгартириш моделлари, уларнинг реал кўринишлари, синтактик бирликлар, хусусан, сўз бирикмалари, гап ва уларнинг реал қўлланиши” ўз ифодасини топиши қайд этилади (Э.Бегматов, А.Бобоева, М.Асомиддинова. 1983: 9).

Ана шу хусусиятлар меъёрнинг фонетик, лексик, морфологик, синтактик каби соҳалар асосида тармоқланиши учун асос бўлади. Бу талқинга кўра меъёр тил системасидан жамоавий асосда фойдаланиш имкониятини берувчи қоидалар мажмуини тақозо этади. Бундай кўламдаги жамоавий қоидаларни белгилаш учун тилнинг бутун тарихида ва шаклларида мавжуд бўлган мезонлар яхлитлигича олиб қаралмайди, балки тилнинг муайян бир даври, масалан айни пайтда фойдаланилган шакл ва ҳолатидан келиб чиқиб меъёрлар белгиланади.

Тилшуносликда меъёр тушунчаси билан бир қаторда узус термини ҳам қўлланилади. Узус тил жамоасида қабул қилинган барча лингвистик кўникмаларнинг яшashi ва фаолиятининг йиғиндиси сифатида изоҳланади (Кодухов В.И. 1974:173). Узусга хос ана шу моҳиятдан келиб чиқилган ҳолда, бу тушунча тил ва нутқ ҳодисаси сифатида ҳажман жуда кенг ва мураккаб эканлиги ва унинг меъёр термини билан мос келмаслиги қайд этилади (Э.Бегматов, А.Бобоева, М.Асомиддинова. 1983: 13).

Таянч сўз ва иборалар:

1. Тил ва нутқ, туб моҳиятига кўра, ижтимоий нутқий фаолият асосида вужудга келган мураккаб системалардир. Тил бевосита кузатишда берилмаган алоқа имконияти, нутқ эса ушбу имкониятнинг моддий вокеланиши, руёбга чиқишидир.

2. Замонавий тилшуносликда тил - лисон - нутқ схемаси остида изоҳланаётган ҳодисалар, аслида, нутқий фаолият – тил – нутқ муносабати билан муштарак моҳиятлидир.

3. Меъёр жамият (ижтимоий) вакиллари томонидан нутқий фаолият асосида белгиланган, аниқланган қонуниятлар ва имкониятлар мажмуидир. Меъёр ижтимоий ва индивидуаллик белгиларига кўра узуал ва окказионал турларга бўлинади.

5. **Окказионаллик** замирида сўзловчи томонидан қўлланган тил бирлигининг тингловчи учун тушунарсизлиги, ноодатийлиги, адабий тил қодаларидан чекинганлиги каби мезонлар ётади.

5. **Узуаллик** нутқда қўлланган тил бирликларининг барча учун тушунарли, одатий эканлиги, адабий тил қодалари даражасида эканлиги билан характерланади.

6. **Узус** тил жамоасида қабул қилинган барча лингвистик кўникмаларнинг яшаши ва фаолиятининг йиғиндисидир. Узус тил ва нутқ ҳодисаси сифатида ҳажман жуда кенг ва мураккаб бўлиб, барча кўринишдаги меъёрлар умумлашмасини ўзида акс эттиради.

Мавзу бўйича савол ва топшириқлар:

1. Тил ҳақидаги қандай таърифларни биласиз?
2. Тилдан фарқли равишда нутқ қандай ҳодиса?
3. Тил, нутқ ва нутқий фаолият ўртасидаги муносабатга таъриф беринг.
4. Тил ва нутқ дихотомияси деганда нима тушунилади?
5. Лингвистик меър ҳақида маълумот беринг.

Адабиётлар:

1. *Бегматов Э., Бобоева А., Асомиддинова М.* Адабий норма ва нутқ маданияти. –Т.: “Фан”, 1983.

2. *Бушуй Т., Сафаров Ш.* Тил курилиши: таҳлил методлари ва методологияси. –Т. «Фан», 2007.

3. Звегинцев В.А. Хрестоматия по истории языкознания XIX-XX веков. М.: «Просвещение», 1956.

4. *Кодухов В.И.* Общее языкознание. - М.: «Высшая школа», 1974.

5. *Неъматов Х. Расулов Р.* Ўзбек тили систем лексикологияси асослари.-Т.: «Ўқитувчи», 1995.

6. *Соссюр Ф. де.* Труды по языкознанию. - М.: «Прогресс», 1977.

7. *Соссюр Ф. де.* Заметки по общей лингвистике. - М.: «Прогресс», 1990.

ТИЛ БИРЛИКЛАРИНИНГ САТҲИЙ ТАРМОҚЛАНИШИ

1-§. Тил сатҳлари ҳақида тушунча

Тилшуносликда сатҳ тушунчаси, дастлаб, Америка дескриптив тилшунослари томонидан истеъмолга киритилган бўлиб, унга кўра бир хил қийматга эга бўлган тил элементлари муайян сатҳни ташкил қилади.

Тил сатҳларини фарқлаш бўйича биринчилар қаторида илмий изланиш олиб борган Э.Бенвенистининг ёзишича, ҳар қандай матнни сегментлаш (қисмларга ажратиш) асосида синтагматик қаторда иштирок этадиган тил парадигмасидаги субститутларини аниқлаш мумкин.

Демак, сегментация ва субституция орқали муайян сатҳга мансуб элементларининг ички муносабатини ҳамда тил элементларининг сатҳлараро муносабатини кузатиш мумкин. Бу муносабатлар қатъий фарқланиши зарур. Зотан, биринчи ҳолатда дистрибутив муносабат кузатилади ва у муайян бир сатҳ элементларининг ички муносабати бўлиб, мазкур муносабат туфайли тил элементларининг ўзаро алоқадорлиги (ўхшаш белгиларга эга бўлиши) асосида улар муайян сатҳ бирлиги сифатида бирлашади. Масалан, фонема, морфема ва лексема каби тил элементлари ўзининг дистрибутив имкониятлари туфайли ўзларига тегишли сатҳ куршовида кела олади.

Иккинчи ҳолатда эса, мазкур элементларнинг ҳар бири интегратив муносабат асосида ўздан юқори турувчи сатҳнинг

ташқил этувчиси сифатида намоён бўлади. Бошқача қилиб айтганда, тил элементларнинг интеграциялашув жараёни янги-янги интегралларни, яъни сатҳ абзоларини вужудга келтиради. Бундай муносабатнинг юқори нуктаси конститутив бирликлардан ташқил топган гап билан чегараланса, қуйи нуктаси фонемаларнинг маъно фарқлаш хусусияти асосида намоён бўлувчи «меризм» билан чекланади. Юқори ва қуйи сатҳ ўртасидаги тафовут қуйидагиларда намоён бўлади:

1) гап интегративлик хусусиятига эга эмас, шу боис у ўзидан юқори турувчи сатҳ бирлигини вужудга келтира олмайди. Шунинг учун тил элементарининг интеграция жараёни гап билан ўз якунини топади;

2) қуйи сатҳ бирлиги бўлган меризмлар эса гапдан фарқли равишда конститутив бирликларга эга эмас. Чунки фонемаларнинг тил олди-тил орқа, жарангли-жарангсиз каби «меризм»лар тил сатҳи ва унинг бирликларига нисбатан иккиламчи даражали (бетараф) белгилардир. Бироқ меризмлар интеграл сифатида тилнинг энг кичик бирлиги бўлган фонемаларни вужудга келтириш учун хизмат қилади.

Э.Бенвенист тил тизимининг юқори ва қуйи нуктаси ўртасида амал қилувчи тил бирликларини оралиқ сатҳ сифатида фарқлайди. Мазкур сатҳ морфема ва лексемалардан иборат бўлиб, улар тилнинг семиотик белгиларини тақозо этади. Морфема, лексемалар юқори ва қуйи сатҳ бирликлари бўлган гап ва фонемаларга нисбатан ўзининг қуйидаги хусусиятларига кўра ажралиб туради:

1) морфема ва лексемаларда гапга хос конститутивлик ҳамда фонемаларга хос интегративлик хусусиятлари мужассамланганлиги боис, юқори ва қуйи сатҳ унсурларидан фарқланади. Морфема ва лексемаларга хос интегративлик туфайли улар ўзларидан юқори турувчи сатҳни ташқил этишда иштирок эта олади;

2) морфема ва лексемаларга хос конститутивлик уларга хос шакл ва мазмун узвийлиги орқали намоён бўлади. Айнан ана шу хусусият мазкур тил бирликларининг, қуйи ва юқори сатҳ бирликларидан фарқли равишда, семиотик белги мақомини тасдиқлашга хизмат қилади. (Бенвенист Э.1976:129-136)

Ана шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, тил тизимини уч турдаги элемент, яъни фонема, морфема ва лексема (сўз)лардан таркиб топадиган сатҳлар асосида белгилаш мумкин. Бу борада махсус тадқиқот олиб борган Х.Хайруллаевнинг таъбири билан айтилганда, “Сатҳ тушунчаси тил бирликлари тушунчаси билан бевосита боғлиқдир. Тилда эса фонема, морфема ва сўз (лексема)дан бошқа бирлик йўқ. Гап нутқ бирлигидир. Шу боис гап ҳақидаги барча мулоҳазалар нутқ лингвистикаси қонун-қоидалари асосида талқин этилмоғи лозим.” (Қаранг:Х.Хайруллаев.2008: 19)

Баъзи ҳолларда тил бирликлари қаторига конструкция, яъни модел ҳам киритилади. (Х.Неъматов,О.Бозоров.1993:18) Бироқ В.М.Солнцевнинг ёзишича, формал қурилиш, яъни модел мураккаб таркибли ҳар қандай тил бирликлари орқали кузатилади. У ҳар доим тил бирликларининг ортидан соядек эргашиб юради. Модел бир қарашда мураккаб таркибли тил бирликларнинг миқдорига тенгдек кўринса ҳам, аслида ундай эмас. Чунки моделлар ҳар доим конкрет тил бирликлари орқали такрорланган ҳолда учрайди. Улар маълум бир чизма асосида автомобиллар серияси ишлаб чиқарилгани сингари бир хил типли тил бирликларини вужудга келтирувчи шаблон ёки клишелардир. Шунинг учун ҳам уларни фонема, морфема ва сўз сингари тил бирликлари қаторига қўшиб бўлмайди. (В.М.Солнцев. 1973:189-190). Ана шу мулоҳазаларнинг ўзиёқ, тилнинг асосий сатҳлари ва бирликлари фонема, морфема ва лексема кабилардан иборат эканидан далолат беради.

2-§. Инвариант бирликларининг вариантланиши

Тилда умумийлик ва хусусийлик, моҳият ва ҳодиса, имконият ва воқелик диалектикасининг намоён булишини далиллаш мақсадида тилшунослар инвариант ва вариант муносабатидан фойдаланадилар. Бинобарин, тил бирликларининг таҳлили уларнинг миқдори ва турини аниқлаш билан чегараланмайди. Чунки тил бирликлари нутқда ҳам ўзига хос моҳиятга эга бўлади. Ана шу жиҳат уларни инвариант ва вариантлик оппозициясида ўрганилишига сабаб бўлди.

Инвариантлик тил бирликларининг барқарорлиги, ўзгармаслиги билан боғлиқдир. Инвариант атамасининг оппозитиви вариантликдир. Бундай зидланиш Л.Ельмслев томонидан амалга оширилган бўлиб, матнда айнан бир хил қўшма гаплар, бир хил содда гаплар, бир хил сўзлар ва бошқа бирликлар учрайди. Бошқача айтганда, ҳар бир қўшма ва содда гапнинг ва сўзларнинг бир қанча намуналари учрайди. Ана шу намуналар вариантлар, бу вариантлар ортидаги моҳият эса инвариант саналади (В.М.Солнцев.1971: 212).

Инвариант ва вариантликни исталган тил бирлигининг нутқий воқеланиши орқали кузатиш мумкин. Хусусан, фонема ва нутқ товушлари ўртасидаги мувофиқликни инвариант ва вариант муносабати сифатида талқин этса бўлади. Бинобарин, тилга хос фонема инвариант сифатида яхлитдир. Унинг нутқий воқеланиши орқали эса вариантлар ўз ифодасини топади. Чунки ҳар бир фонема нутқ қуршовига тушиш асосида, бошқа сатҳдошларининг таъсирига ҳам учрайди. Буларнинг барчаси фонемаларнинг нутқ товушлари сифатида вариантланишига сабаб бўлади. Тилшуносликда фонемаларнинг вариантлари фон термини билан ҳам юритилади. Масалан, ўзбек тилидаги И фонемаси *сир, кир, гир, зир, қир* каби қуршовга киритилганда унинг И1, И2, И3, И4, И5 вариантлари аниқ илғанади. Шунингдек, -га морфемаси таркибидаги Г фонемасининг нутқда -ка, -қа, -га тарзда вариантланиши орқали ҳам фонема ва фон муносабатини кузатиш мумкин.

Худди шунингдек хусусиятни морфема ва морфларнинг инвариант ҳамда вариантланиши мисолида ҳам кузатилади. Масалан, ўзбек тилида она морфемаси (бу морфема лексемага тенг деб қаралади.) адабий тилдаги идеал бирлик ҳисобланадиган бўлса, унинг турли шеваларда *эна, ина, уна, ана, ҳана* тарзда қўлланиши вариантлардир. Рус тилида нол сўзи нул тарзида вариантланади. Худди шунингдек, боғлиқ (аффикс) морфемалар мисолида инвариант ва вариантлик кўзга ташланади. Хусусан, ўзбек шеваларида адабий тилдаги -ли сифат ясовчисининг қуйидаги вариантлари қайд этилади: *ли/лъ-сепль* (сепли), *ли/лък - ақллък* (ақлли), *ли/лъғ - танъғлъғ* (таниқли), *ли/лъй - ҳайбаллъй* (ҳайбатли) каби (Ўзбек шевалари.58).

Лексемаларда инвариант ва вариантлик муносабати биргина ташқи структурага даҳлдор бўлмайди, балки улар маъноси орқали ҳам ана шундай муносабатни акс эттиради. Чунки лексемалар тилдаги идеал бирлик сифатида объектив маъноли бўлади. Бироқ улар нутқ қуршовига тушиши билан объектив маъно субъектив вариант сифатида намоён бўлади. Субъективлик замирида индивидуаллик билан бир қаторда, лексемаларнинг конкрет вазият, замон, макон билан боғланиши ҳам тушунилади. Масалан, тилдаги дарахт лексемаси объектив маъноли бирлик сифатида ҳар қандай турдаги дарахтнинг семантик инвариантини ўзида мужассамлантиради. Бироқ нутқда улар конкрет вазият, замон, макон билан боғланган ҳолда семантик вариантга эга бўлади. Шунинг учун ҳам А.Р.Лурия тилдаги лексик бирлик орқали маъно (значения), унинг нутқий варианты орқали эса мазмун (смысл) ифодаланишини қайд этади (А.Р.Лурия.1979.53).

Ана шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, тил бирликлари, яъни фонема, морфема, лексемалар нутқ бирликлари бўлган сўз бирикмаси, гап ва матн кабилар таркибида фон (графема), морф ва сўз шакл сифатида вариантланган ҳолда намоён бўлади.

Таянч сўз ва иборалар:

1. Тилдаги шаклий, мазмуний ва вазифавий жиҳатдан бир хил қийматга эга бўлган бирликлар ўртасидаги иерархик муносабат асосида вужудга келадиган ички тизимлар сатҳ деб номланади. Тилдаги асосий сатҳлар миқдори тил бирликларининг турига тенг бўлади.

2. Фонема, морфема ва лексема тил системасидаги дистрибутив имкониятга эга бўлган бирликлардир. Чунки улар тегишли ўзидан юқори сатҳ бирлигини ташкил этишда иштирок эта олади. Бироқ гап интегротив хусусиятли бирлик эмас, чунки унинг ўзи интегрант ҳисобланади. Шунинг учун у тил бирликлари қаторидан ўрин олмайди.

4. Қуйи сатҳ бирлиги бўлган меризмлар гапдан фарқли равишда конститутив (маъновий) хусусиятга эга эмас. Чунки фонемаларга хос меризматик белги тилнинг умум системасини

ташқил этишда иккинчи даражали, яъни бетараф аҳамиятга эга бўлган белгилардир.

5. Аналогия тил бирликлари орқали ўз ифодасини топадиган андоза, моделдир. Аналогияни тил бирликларининг исталган синтагматик узвийлиги орқали кузатиш мумкин.

6. Фонема, морфема, лексемалар каби инвариант тил бирликлари сўз бирикмаси, гап ва матн каби ва нутқ бирликлари таркибида фон (ёки графема), морф ва сўз шакл сифатида вариантланган ҳолда ўз ифодасини топади.

Мавзу бўйича савол ва топшириқлар:

1. Тил бирликларининг иерархик муносабати ва тил сатҳлари ўртасида қандай алоқадорлик мавжуд?

2. Тил ва нутқ бирликларини фарқлашда асос бўлган тамойилларни белгиланг.

3. Тилга хос инвариант биликларнинг нутқий вариантланиши хусусида нималарни айта оласиз?

4. Аналогик қурулмаларнинг амалий аҳамияти нималарда намоён бўлади?

Адабиётлар:

1. Бенвенист Э. Общая лингвистика - М.: «Прогресс», 1976.

2. Блох М.Я. Теоретические основы грамматики – М.: «Высшая школа», 1986.

3. Богусевич Д.Г. Единица функция уровень. К проблеме классификации единиц языка. – М.: «Высшая школа», 1985.

4. Бушуй Т., Сафаров Ш. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси.-Т. «Фан», 2007.

5. Лурия А.Р. Язык и сознания. - М.: МГУ, 1979.

6. Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. – М.: «Наука», 1971.

7. Нетьматов Х., Бозоров О. Тил ва нутқ. -Т.: «Ўқитувчи», 1993.

8. Нетьматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари.-Т.: «Ўқитувчи», 1995.

9. Хайруллаев Х. Тил бирликларининг поғонали муносабати. –Т.: «Фан», 2008.

10. Хайруллаев Х. Нутқ бирликларининг поғонали муносабати. –Самарқанд: СамДЧТИ, 2008.

ТИЛ БИРЛИКЛАРИНИНГ ПАРАДИГМАТИК, СИНТАГМАТИК ВА ИЕРАРХИК МУНОСАБАТЛАРИ

1-§. Парадигматик муносабат

Тил элементлари ўртасидаги узвийлик асосини парадигматик ва синтагматик муносабат ташкил этиши ҳақидаги назарий қарашлар ҳам швейцариялик олим Фердинанд де Соссюр номи билан боғлиқдир. Бироқ Соссюрнинг таълимотида парадигма ўрнида «ассоциация» термини қўлланилади. Парадигмани ташкил этувчи тил элементлари бир-бирини эслатиб туриш хусусиятига эга бўлгани боис, Ф.де Соссюр бу муносабатни «ассоциатив» деб номлайди (Соссюр. Труды.-С 158.).

Парадигма (ёки ассоциация) тил бирликларининг нутқдан ташқаридаги, яъни бевосита кузатишда берилмаган (онгдаги) гуруҳларидир. Тил бирликларининг ўзаро ўхшаш белгиларига кўра муайян гуруҳларга бирашиши орқали эса парадигматик муносабат намоён бўлади. Тил бирликлари парадигматик муносабат туфайли бири иккинчисини эслатиб туриш хусусиятига эга бўлади. Масалан, *китоб* хусусида фикр юритилганда *дафтар*, *қалам*, *сумка* каби “ўқув қуроллари” тушунчаси билан боғлиқ бўлган сўзлар беихтиёр хотирада жонланади.

Тил бирликларининг парадигматик муносабати индивидуал асосли бўлиб, у муайян тилда сўзлашувчи ҳар бир кишининг хотирасида мужассамланган бўлади. Ана шу асосда тилнинг ижтимоий онг маҳсули эканлиги белгиланади. Парадигмани ташкил этувчи тил элементларининг бир-бирини тақозо этиши уларга хос ўхшаш белгиларга асосланади. Шунинг учун ҳам парадигматик муносабат баъзан “ўхшашлик муносабати” деб юритилади. (Ҳ.Неъматов, Р.Расулов.1995: 15)

Тил элементлари ўртасидаги ўхшашлик уларнинг мутлақ муштараклигини англатмайди. Чунки парадигматик муносабат ташкил қилувчи элементларнинг ҳар бири ўзининг хусусий белгиларига эгаллиги билан бетакрордир. Улардаги ўхшашлик эса элементларнинг маълум бир парадигмага бирлаша олиш хусусиятидан келиб чиқиб белгиланади.

Парадигматик муносабатни аниқлашда муҳим бўлган ўхшашлик тил элементларга хос умумий ва хусусийликлар эътиборидан келиб чиқиб белгиланиши мумкин. Ана шу асосда парадигмалар ўртасидаги ҳажмий тафовутни белгилаш мумкин. Масалан, тил бирлиги мақомидан келиб чиқиладиган бўлса, фонема, морфема, лексемалар биргаликда яхлит парадигмани ташкил қилади. Бу бирликлардан биргина морфема ажратиб олинганда эса, уларнинг маъно ифодаловчи энг кичик бирлик эканлиги асосида парадигматик муносабат вужудга келади.

Тилнинг фонетик системасига хос максимал ўхшашлик элементларнинг фонема мақоми асосида кўзга ташланади. Айнан ана шу белги ёрдамида улар макропарадигма, яъни тизим ташкил қилади. Мазкур тизимдаги фонемалар унли ёки ундошлик белгисига кўра ички парадигмаларга бирлашади. Ўз навбатида, унлилар парадигмасини ташкил этувчи фонемалар ўзининг таснифий белгиларига кўра алоҳида парадигмаларга бирлашади:

и	у	микропарадигма	Унли фонемалар парадигмаси
э	ў	микропарадигма	
а	о	микропарадигма	

В.М.Солнцев томонидан олиб борилган тадқиқотда микропарадигматик муносабатнинг нутқий аллофонлар мисолидаги кўриниши ҳам қайд этилади. (Солнцев В.М.-С.74.)

И1	аллофон	И фонемасининг микропарадигмаси
И2	аллофон	
И3	аллофон	

Маълумки, морфемалар тилдаги шакл ва маъно муносабатига эга бўлган энг кичик бирликлардир. Ана шу хусусият ушбу тил бирликларини яхлит ҳолда тасаввур қилиш имконини яратади. Бу парадигмани эркин ва боғлиқ морфемалар парадигмасига ажратишда эса уларнинг мустақил ҳолда луғавий маъно ифодалай олиши ёки ифодаламаслиги эътиборга олинади. Ўз навбатида, боғлиқ морфемаларнинг сўз ясовчи ва шакл (луғавий ва синтактик шакл ясовчи) ясовчи каби ички парадигмаларни ташкил этишида аффикс морфемалар ва умуман, боғлиқ морфемалар (ёрдамчи сўзлар)нинг вазилавий

Ўхшашлигига эътиборга олинади. Сўз ясовчилар парадигмасига эътиборга қаратилганда эса уларнинг от, сифат, феъл, равиш ясовчи типлари, яна ҳам қуйироқда, хусусан, от ясовчилар эътиборга олинганда шахс, нарса-буюм, мавҳум от ясовчилар парадигмаси фарқланади. Тилнинг морфем сатҳида қуйидагича микро- ва макропарадигмаларни кузатиш мумкин:

1	Эркин морфемалар	Тилнинг морфемалар системаси
2	Сўз ясовчилар	
3	Луғавий шакл ясовчилар	
4	Синтактик шакл ясовчилар	

Лексик сатҳда микро- ва макропарадигмалар муносабати турли нуқтаи назардан белгиланиши мумкин. Хусусан, лексик бирликларнинг шаклий ўхшашлиги асосида омоним, пароним сўзлар парадигмалари ажратилади. Шунингдек, лексик бирликлар ўзига хос маъно ва вазифага эга бўлган бирликлар бўлгани боис, улар хилма-хил семантик прадигмаларга бирлашади. Масалан, лексик бирликларнинг синонимик, антонимик гуруҳлари, турли лексик-тематик гуруҳлари, туркумлилик белгилари, моно- ва полисемантик гуруҳларини фарқлашда маъновий парадигмаларга таянилади (Х.Неъматов, Р.Расулов.1995:78).

Демак, бундай ўхшаш ва ноўхшаш белгилар тил элементларининг ўзаро оппозитив ва дискрит ҳолатда хотирада сақланишидан далолат беради. Ҳар бир тил элементига хос умумий ва хусусий белгиларни аниқлашда инсоннинг билиш, англаш қобилияти муҳим аҳамият касб этади. Айнан ана шу қобилият туфайли тилни яхлит тизим сифатида тасаввур этиш имконини берадиган далиллар жамланади.

Тил бирликларига хос система ташкил этувчанлик ва системага бетарафлик белгилари барча турдаги тил элементларига хос хусусият бўлиб, ана шу белгилар туфайли катта ва кичик ҳажмдаги парадигмалар ташкил топади. Шунинг учун ҳам, тилдаги муайян бир бирликни ёдга олиш асосида унга алоқадор бўлган кичик ва катта ҳажмдаги системаларга кириб бориш имкони туғилади. Айнан ана шу хусусият мулоқот жараёнида тилдан самарали фойдаланиш учун қулайлик яратади. Масалан, ватан сўзи хотирланганда беихтиёр инсоннинг ўз туғилиб ўсган жойи ва ушбу жой билан боғлиқ

бўлган нарса ва ҳодисалар эсга тушади. Хусусан, Ватан тушунчасининг *она бағри, йўрғак, бешик, беланчак, униб-ўсган хонадон, остона, ҳовли, кўча, маҳалла, қишлоқ, шаҳар, туман, вилоят, мамлакат* каби бир қатор лексик бирликлар парадигмаси ёрдамида ифодаланadi.

Ана шу хусусиятга кўра парадигматик тавсиф лингвокогнитологияда кенг қўлланиладиган концепт билан ҳам муайян алоқадорликка эга бўлади. “Концепт тафаккур бирлиги бўлиб, у таркибан тушунча, образ ва лисоний маънолар умумлашмасидан иборат бўлади. Бундай мураккаб таркибли ментал тузилмаларни лексик ва фразеологик ва грамматик концептлар мисолида қайд этиш мумкин” (Ш.Сафаров 2006: 17).

Бироқ концепт парадигмага нисбатан торроқ моҳиятлидир. Чунки бу термин мантикий асосга эга бўлган тушунча, образ ва лисоний маъноларга хос яхлитликларни ўзида акс эттиради. Парадигма эса тил тизимидаги қуйидан юқоригача бўлган барча бирликларга хос систем яхлитлик ҳақида тасаввур қилиш воситаси эканлиги билан ундан фарқланади.

Шудай қилиб, тил системаси орқали ўз ифодасини топадиган парадигматик муносабатини белгилашда муҳим бўлган ўхшашлик элементларнинг максимал ва минимал даражасига кўра фарқланади. Айнан ана шу тафовут парадигмаларнинг ҳажмига кўра фарқланишига ҳам сабаб бўлади. Хусусан, тил элементлари минимал ва максимал ўхшашлигига кўра кичик ҳамда катта парадигмаларни вужудга келтиради. Бироқ бу билан парадигматик муносабат фақат микдорий тамойилга асосланади деган хулосага ҳам келиб бўлмайди. Чунки парадигмалар тил бирликларининг сифати, яъни ички белгиларини ҳам ўзида акс эттиради. Ана шунга кўра парадигмаларнинг шаклий, маъновий (семантик), вазифавий турларини фарқлаш мумкин.

1. **Шаклий парадигмалар** тил бирликларининг ташқи ўхшашлиги эътиборидан келиб чиқиб белгиланади. Масалан, омоним морфема ва лексемалар мисолида ана шундай парадигмаларни кузатиш мумкин. Масалан, омоним аффикслар қўшимчаларнинг вазифасига кўра турлари доирасида қуйидаги кўринишда учрайди: 1) сўз ясовчилар доирасида: *-ки: тенки-от*

ясовчи, кечки-сифат ясовчи; 2) луғавий шакл ясовчилар доирасида: *-иш*: *оқиш*-сифатнинг даража шакли, *тортиш*-фёълнинг ҳаракат номи шакли; 3) синтактик шакл ясовчилар доирасида: *-нг*: *олманг*-эғалик кўшимчаси, *бординг*-тусловчи кўшимча; 4) сўз ясовчи ва луғавий шакл ясовчилар доирасида: *-ма*: *бўема*- (*илон*) сифат ясовчи, *қатлама* -от ясовчи, *кетма* – фёълнинг бўлишсиз шакли; 5) сўз ясовчи ва синтактик шакл ясовчилар доирасида: *-им*: *қултим*-от ясовчи, *китобим*-эғалик кўшимчаси. Баъзан ўзакдош сўзлар ҳам омоним аффикс қабул қилиб шаклдошликка эга бўлиши мумкин. Масалан, *қатла* фёълига сўз ясовчи ва шакл ясовчи омоним кўшимча *-ма* кўшилиши билан *қатлама* (от) , *қатлама* (фёълнинг бўлишсиз шакли) каби шаклдош сўзлар ҳосил бўлади. Булардан келиб чиқадики, шаклий парадигмалар фонема ва морфемаларнинг бир хил синтагматик позицияда келиши орқали белгиланади.

2. Маъновий парадигмалар тил бирликларининг семантик муносабати асосида белгиланади. Семантик муносабат эса тил бирликларининг маъновий ўхшашлиги ёки зидлиги асосида намоён бўлади. Ана шунга кўра синоним ва антоним морфема ва лексемалар парадигмаси фарқланади. Масалан, ўзбек тилида аффикслар синонимлигини кўшимчаларнинг вазифасига кўра барча турлари доирасида учратиш мумкин: а) сўз ясовчиларда: *-сиз*|-но маънодошлиги асосида: *ўринсиз* - *ноўрин*, *-ли*|-*сер* маънодошлиги асосида: *гайратли* - *сергайрат*; б) шакл ясовчиларда: *-иш*|-*имтир* маънодошлиги асосида: *оқиш*-*оқимтир*, *-қар*|-*кар*|-*қаз*|-*каз* маънодошлиги асосида: *қутқар* - *қут*+*қаз*, *ўтказ*-*ўтқар*, *-лар*|-*иш* маънодошлиги асосида келишди-келдилар; в) сўз ўзгартувчиларда: *-нинг*|-*дан* маънодошлиги асосида: *меҳмонлар*+*нинг*|-*дан* *каттаси*.

Ўзбек тилида кўшимчаларнинг зид маънолиги бошқа ёндош ҳодисаларга нисбатан анча кам учрайди. Улар кўпроқ сифат ясалишида кўзга ташланади. Масалан: *кучли*- *кучсиз*, *мазали* – *бемаза*, *гайратли*-*сергайрат*.

Шунинг билан бир қаторда, маъновий парадигма икки ҳадли тил бирликларининг полисемантик хусусияти орқали ҳам ўз ифодасини топади. Хусусан, ўзбек тилида кўп маъноли аффикслар бирдан ортиқ лексик ва грамматик маънони

шакллантирувчи кўшимчалар мисолида кўзга ташланади. Масалан, - *чи* кўшимчаси: *темирчи* (асосдан *англашилган касбга эга бўлган шахс оти*), *ҳашарчи*, *ижарачи*, *пудратчи* (*ўзакдан англашилган фаолият иштирокчиси бўлган шахс оти*) каби ясама сўзлардаги - *чи* кўп маънолидир. Аффиксларнинг кўп маънолиги луғавий шакл ясовчи ва синтактик шакл ясовчиларга ҳам хос ҳодисадир. Хусусан, *-лар* аффиксининг *болалар* – соф кўплик маъносида, *унлар*- тур, нав маъносида, *дадамлар* - ҳурмат маъносида ишлатилиши, уларнинг нутқий кўп маънолигидан далолат беради.

3. **Вазифавий парадигмалар** тил бирликларининг синтагматик қатордаги вазифасига кўра муштараклиги асосида белгиланади. Маслан, унли фонемаларга хос энг муҳим вазифа уларнинг бўғин ташкил қилиши ва урғунинг белгилаши орқали кўзга ташланади. Шунга кўра, очик ва ёпик бўғинлар, урғули ва урғусиз бўғинлар фарқланади. Ана шу хусусиятларга кўра бу тил бирликларида вазифавий муштараклик кузатилади.

Тил бирликларига хос ана шундай муштаракликни морфемалар мисолида ҳам қайд этиш мумкин. Морфемалар тилдаги энг кичик икки ҳадли бирликлар эканлиги билан парадигма ташкил қилади. Ўз навбатида, морфемаларга хос маъно мустақил ёки боғлиқ ҳолда намоён бўлиш хусусиятига эга. Ана шу хусусиятга кўра морфемалар эркин ва боғлиқ морфемалар парадигмасини ташкил қилади.

Эркин морфемалар моҳиятан лексемага тенг бирликлар бўлиб, улар боғлиқ морфемаларни семантик асос билан таъминлайди. Ўз навбатида, боғлиқ морфемалар замирида ўз ифодасини топадиган **минимал маъно** эркин морфемалар ёрдамида рўёбга чиқади. Масалан, *боғбон* ясамасида *боғ* асоси субъект компонентига эга бўлгани боис, *-бон* аффиксига хос минимал маъно, яъни “шахс” реал ифодага эга бўлади. *Мактабга* сўз шаклида эса мактаб таълим-тарбия маскани, яъни ҳаракат содир бўладиган макон, жой семаларига эга бўлгани боис, *-га* боғлиқ морфемасига хос минимал маъно реал ифодага эга бўлади. Боғлиқ морфемаларга хос минимал маъно уларнинг ўзига хос вазифаларга эга бўлишини таъминлайди. Хусусан, сўз

ясовчи, луғавий ва синтактик шакл ясовчилар парадигмаси ана шу асосда белгиланади.

Лексик бирликлар вазифавий белгилари асосида ҳам хилма-хил парадигмаларни ташкил қилиш мумкин. Хусусан, лексемаларга хос вазифавий ўхшашлик уларнинг грамматик маънолари асосида (от, сифат, сон, олмош, равиш, феъл каби туркумлилик белгилари ҳамда шу орқали англашиладиган синтактик вазифалари, функционал имкониятлари асосида) ўз ифодасини топади. Ана шу белгилар тилнинг лексик бирликларини турли вазифавий парадигмаларга бирлаштирган ҳолда таҳлил қилиш учун асос бўлади.

Чех тилшуноси Е.Курилович сўз туркумларига хос вазифавий белгиларни бирламчи ва иккиламчи турларга ажратади. Бирламчи вазифа сўз туркумига хос асосий луғавий маъно билан боғлиқ бўлган вазифадир. Масалан, отларнинг гап таркибида эга, тўлдирувчи вазифаларида келиши, феълнинг кесим сифатида иштирок этиши, сон ва сифатларнинг аниқловчи вазифасини бажариши, шулар жумласидандир. Иккиламчи вазифа сўз туркумларининг функционаллик белгиси орқали намоён бўлади. Масалан, отнинг кесим, феълнинг эга, сифатнинг тўлдирувчи, ҳол каби вазифаларда келиши иккиламчи вазифадир. (Е.Курилович. 1962:61)

Тил бирликларининг вазифвий ўхшашлиги асосида белгиланадиган парадигмалар синтагматик муносабат жараёнига хос типик аналогияларни белгилашда муҳим ҳамиятга эга бўлади. Масалан, ўзбек тилидаги фонемалар иштирокида вужудга келадиган типик структураларни CVC // VCV (саф, эла) моделидаги морфемалар парадигмаси мисолида, морфемаларнинг синтагматик муносабати асосида кузатиладиган типик структураларни R+O (*бунёд+кор*, *мактаб+га*, *боғ+лар*) моделидаги сўзлар парадигмаси мисолида, лексик бирликларнинг содда ёйиқ гаплар таркибидаги синтактик структураси орқали кузатиладиган типикликни эса N+X+V (*Рухсора кўгирчоқ ўйнапти*, *Баҳор илиқ келди*) моделидаги синтактик парадигмалар мисолида кузатиш мумкин.

2-§. Синтагматик муносабат

Синтагматик муносабат икки ёки ундан ортиқ тил бирликларининг горизонтал чизик бўйлаб кетма-кет муносабатга киришуви асосида намоён бўлади ва бу муносабат элементларининг нутқ занжирида бирикишини ўзида акс эттиради. Синтагматик муносабат маҳсуллари синтагма деб юритилади.

Соссюр икки ёки ундан ортиқ тил элементларининг нутқ оқимида бирин-кетин боғланиши орқали ҳосил бўладиган синтагмаларнинг тил ва нутққа оид турларини фарқлайди. Унинг ёзишича, нутқий синтагмалар тил бирликларининг эркин комбинацияси асосида таркиб топади. Бироқ «қатъий қоидалар асосида вужудга келадиган синтагмалар нутққа эмас, балки тилга дахлдордир. Синтагма типларининг тилдаги барқарорлиги уларга ҳос андозаларининг етарли миқдорда мавжудлигига боғлиқ бўлади». (Ф.де Соссюр.1977:156) Тил элементларининг синтагматик муносабатига ҳос хусусиятлар қуйидагиларда ўз аксини топади:

1. Синтагматик муносабат асосида тилнинг энг муҳим вазифалари, яъни коммуникатив ва номинатив функциялари юзага чиқади. Зотан, кишилар онгида виртуал ҳолда сақланувчи тил элементлари синтагматик қаторда ана шундай маълумотларни ташувчи бирликка айланади. Синтагматик муносабат асосида таркиб топадиган бундай маҳсуллари тил ёки нутққа дахлдор турларини исталган синтагма мисолида кузатиш мумкин. Нутқий синтагмалар, одатда, синтактик бирликлар деб юритилади ва улар лексик бирликларнинг синтагматик муносабати асосида вужудга келадиган сўз бирикмалари, гаплар орқали ўз ифодасини топади.


Тилга ҳос синтагмалар эса нутқий синтактик бирликлардан фарқли равишда, “ички синтагма” деб юритилади. Ички синтагмалар фонема ва морфемаларнинг синтагматик боғланиши натижасида вужудга келадиган тил бирликлари, хусусан, морфема ва лексемалар орқали ўз ифодасини топади.

2.Тарихийлик жиҳатдан синтагматик муносабат тил парадигмасининг юзага келишида асос ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ф. де Соссюр: «Нутқ факти тил фактига нисбатан


кадимийрокдир», -деб ёзди. (Ф. де Соссюр 1977:42) Дарҳақиқат, ҳар қандай тил элементи маълум бир синтагматик моделда ўзининг қийматига эга бўлади. Тил бирликларининг синтагматик муносабати сўзловчининг индивидуал мақсади билан боғлиқ бўлса ҳам, унинг ижроси нутқий фаолиятда аввалдан амал қилиб келган аналогик тамойиллардан ташқарига чиқиб кета олмайди. Ана шу омил тилга даҳлдор синтагмаларнинг позицион муштараклиги асосида вужудга келадиган парадигмаларни белгилашга ёрдам беради.

Масалан:


а) лексемаларнинг гап таркибида бир хил позицияда келиши:



б) морфемаларнинг лексема таркибида бир хил позицияда келиши:



в) фонемаларнинг морфема таркибида бир хил позицияда келиши:



Келтирилганлардан кўринадики, нутқ моделидаги позицион муштараклик уларнинг бир хил парадигматик қатор элементлари бўлишини ҳам таъминлайди. Хилма-хил тил элементларининг муайян парадигматик муносабати асосида бирлашуви бир хил андоза воситасида турлича фикр ва маъноларни ифодалаш учун қулай имконият вужудга келтиради. Ф. де Соссюрнинг қайд этишича, **аналогия** муттасил тақлид қилиш мумкин бўлган

лингвистик андозалардир. Аналогик форма эса, муайян бир андозавий тамойиллар асосида бирдан ортик лингвистик муқобилларнинг вужудга келишини таъминловчи типик формади (Ф. де Соссюр 1977:195).

3. Тилшуносликда синтагматик муносабатнинг тил ёки нутқда вокеланиши эътиборга олинган ҳолда «*макросинтагматик*» муносабат ва тилга хос «*микросинтагматик*» муносабат фаркланади. (Турниёзов Н.Қ. 1998:8) Е.С.Кубрякованинг изланишларида эса бу масала кичик ва катта синтаксисга ажратиш асосида белгиланади. Унинг фикрича, *катта синтаксис* сўзловчига сўзлар ва сўз бирикмаларининг ўзаро бирикиш моделларини ҳавола қилади ва ҳар бир моделнинг якуни фикр тугаллиги билан характерланади. *Кичик синтаксис*да эса бунинг акси ўлароқ, мантикий ҳукм ёки фикр тугаллиги билан боғлиқ бўлмаган нопредикатив моделлар ўрганилади. (Кубрякова Е.С. 1986:107)

Демак, тил элементларнинг нутқ андозасида кетма-кет боғланиши фақат нутқ жараёнига даҳлдор бўлмайди, балки фонетик ва морфемик бирикларининг горизонтал чизиқ бўйлаб боғланиши ҳам ана шу муносабатга асосланади. Шунинг учун ҳам М.Я.Блох синтагмаларнинг фонема, морфема ва сўзлардан ташкил топган турларини фарқлайди. Хусусан: 1) қўшма сўзларга хос типлар «*композитив синтагма*», 2) содда ясама сўзларга хос типлар «*форматив синтагма*», 3) сўз шаклларига хос типлар эса «*флекцион-форматив синтагма*» деб юритилади. (М.Я.Блох 1986:29)

4. Ҳар бир тил элементи синтагматик муносабатга киришганда ўзига хос позицияга эга бўлади. Позиция ҳар бир тилнинг ички қонуниятидан келиб чиқиб белгиланади. Масалан, ўзбек тилидаги йиғиқ гаплардаги синтагматик муносабати тил бирикларининг эга+кесим тартибида бирикиши орқали ўз ифодасини топади. Бундай позициянинг вужудга келишида от ва умуман исм гуруҳига мансуб сўзлар замирида субъект тушунчасининг англашилиши уларнинг эга вазифасида келишини таъминлайди. Кесим эса, субъектнинг ҳаракатланишини тақозо этади ва шунга мувофиқ тарзда у кўпинча феъл туркуми ёки унга хосланган сўзлар ёрдамида

ифодаланади. Худди шундай ҳолатни морфемаларнинг синтагматик муносабати асосида ҳам кўриш мумкин. Масалан, ўзбек тилида эркин ва боғлиқ морфемаларнинг иш+чи+лар+имиз+нинг // боғ+бон+лар+дан тарзида боғланиши орқали уларнинг қатъий позицияси кузатилади. Бироқ бошқа тилларда бу позиция перефикс+асос, асос+инфикс+асос шаклида бўлиши ҳам мумкин.

3-§. Синтагматик муносабат ва валентлик назарияси

Манбаларда тил бирликларининг синтагматик муносабати уларнинг ички маъноси билан боғлиқ эканлиги айтилди. Хусусан, «Сўзнинг синтактик хусусияти ва семантик компонентлари ўртасида доимий мутаносиблик мавжуд бўлиб, бундай мутаносибликни юзага чиқарувчи восита валентликдир» (Е.В.Гулыга, Е.И. Шандельс.1976:299). Валентлик тушунчаси, дастлаб, С.Д.Кацнельсон томонидан истеъмолга киритилган. Унинг ёзишича, валентлик сўзга хос хусусият бўлиб, у сўз маъноси асосида бошқа сўзлар билан синтактик муносабатининг амалга ошиши асосида намоён бўлади (Кацнельсон С.Д. С. 132). Бу назариянинг кейинги ривожидан эса Л.Теньернинг хизматлари каттадир. Унинг изланишларида валентлик вербоцентриқ назарияга асосланган ҳолда ривожлантирилади. Чунки унинг тадқиқотларида сўзларнинг валентлик имконияти биргина феъл маркази, яъни феъл қуршови билан боғлиқ ҳолда ўз изоҳига эга бўлди. Шу асосда нутқий динамика асосида намоён бўлувчи функционал синтаксис статик ҳолатда талқин этиладиган категориал синтаксисга карама-қарши қўйилади. Бинобарин, категориал синтаксисда тилнинг грамматик категориялари ўртасидаги муносабат, уларнинг тил системасида тутган ўрни масаласига асосий эътибор қаратилса, функционал синтаксисда эса гап бўлаклари ва уларнинг ўзаро муносабати, мазкур муносабатни юзага чиқарувчи механизмлар тавсифига асосий эътибор қаратилади. Л.Теньер томонидан валентлик назариясини ўрганишда тил тизимида динамик ва статик ҳолатда намоён бўлувчи ана шу жиҳатлар таҳлилига алоҳида эътибор қаратишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Олимнинг бу ғоялари

кейинчалик «Очерки структурного синтаксиса» номли асарида муфассал равишда ўз ифодасини топади (Теньер Л. 1988.103).

Тилшуносликда валентлик тушунчасининг дастлабки илмий талқини функционал синтаксис билан бевосита боғлиқ ҳолда амалга оширилган бўлса ҳам, уни соф синтактик ҳодиса, деб бўлмайди. Бинобарин, валентлик бир томондан грамматик, иккинчи томондан эса семантик жараён билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам манбаларда валентлик соф синтактик ҳодиса сифатида эмас, балки семантик-грамматик ҳодиса сифатида таърифланади. Хусусан, И.Кўчқортоевнинг қайд этишича, «Нутқда сўзларнинг бир-бири билан бирикишини грамматик қоидаларнинг ўзи билангина изохлаш мумкин эмас. Масалан, *катта тош, кичик тош, ишчан тош, ялқов тош* каби сўзларнинг грамматик бирикувида ҳеч қандай хато йўқ. Чунки грамматик қоида талабига кўра атрибутивли бирикмаларнинг биринчи элементи сифат, иккинчиси от бўлиши лозим. Шунга қарамай, бирикмалардан иккитаси (*катта тош, кичик тош*) тўғри, кейинги иккитаси эса (*ишчан тош, ялқов тош*) нотўғридир. Демак, тил бирликларининг нутқ жараёнида бирикиб келишида шундай нуқталар борки, улар тил структурасининг нограмматик факторлари асосида юзага келади. Тилдаги ана шундай нограмматик факторлар сўз валентлиги асосида ўз аксини топади. *Сўз валентлиги* эса лексик-семантик ҳодиса бўлиб, маълум бир луғавий бирликнинг нутқда бошқа бир бирликлар билан бирлашиш қоидаларини тақозо этади». (И.Кўчқортоев. 1973. №3:34-35)

Тилшуносликда валентликнинг бир неча турлари қайд этилади. Хусусан, Н.Маҳмудов, А.Нурмоновлар томонидан валентликнинг уч тури, яъни *синтактик, семантик ва лексик валентлик*лар фарқланади. (А.Нурмонов, Н.Маҳмудов.1995:32) М.Д.Степанова эса буларга кўшимча тарзда асос ва формантларнинг ўзаро боғланиши орқали «*ички валентлик*» ўз ифодасини топишини қайд этади. Ясовчиларнинг ўзакка сайлаб кўшилиши эса сўзнинг маъносига, адабий нормага ва экстралингвистик факторларга боғлиқ бўлади. (М.Д. Степанова. В.Я. №6. 1973)

М.М.Миртожиевнинг ёзишича: “Хар қандай ҳолатда ҳам сўзнинг лексик-семантик валентлиги миқдори унинг воқеланган семемасининг семалар миқдорига пропорционал келади. Унинг воқеланиши эса нутқ талабига боғлиқдир.”(М.М.Миртожиев. 2010:248) Бундан келиб чиқадики, семантик валентлик сўзнинг луғавий маъно мундарижасида мавжуд бўладиган бўш ўринлар бўлиб, ана шу бўш ўринларни ифода мақсадига мос келадиган тил бирликлари билан тўлдириш асосида тил бирликларининг синтагматик муносабати вужудга келади. Масалан, ўзбек тилидаги *карнайчи, сурнайчи, ногорачи, доирачи, дуторчи* каби ясамалар ўзининг ботиний асосига кўра “чалмоқ” предикатга хос субъект ва объект аргументлари билан боғлиқ моҳиятни ўзида акс эттиради. Бинобарин, бу ясамалар замирида асосдан англашиладиган объектнинг чалиниши ва бу ҳаракат алоҳида шахс томонидан амалга оширилиши ўз ифодасини топади. Шунинг учун ҳам ушбу ясама сўзлар маъноси “асосдан англашиладиган объектни чаладиган шахс” ҳукмига тенг келади. Ана шу ҳукмдаги объект компонентига (яъни *карнай, сурнай, ногора, доира, дутор* кабиларга) “шахс” маъносидаги —чи ясовчисини қўшиш натижасида *карнайчи, сурнайчи, ногорачи, доирачи, дуторчи* каби ясамалар вужудга келади.

4-§. Иерархик муносабат

Тил бирликларининг систем муносабатини таъминлашда муҳим бўлган учинчи тур муносабат иерархик ёки поғонали муносабат деб юритилади. Иерархик муносабат кичик бирликларининг ўзидан катта бирликларни вужудга келтиришига асосланади. Масалан, фонемаларнинг иерархик муносабати асосида морфемалар, морфемаларнинг иерархик муносабати асосида эса лексемалар вужудга келади.

Д.Г.Богушевич иерархик муносабатнинг *инкорпоратив* ва *субординатив* каби турларини фарқлайди. Субординатив иерархия тил бирликларининг синтагматик муносабатида кузатиладиган ички поғоналашув бўлиб, унга кўра қуйи сатҳ бирликларнинг бирин-кетин боғланиши асосида юқори сатҳ бирликлари таркиб топади. Инкорпоратив иерархия эса кичик парадигмаларнинг поғонали муносабат асосида катта

парадигмаларга бирлашиши орқали кўзга ташланади.
(Богушевич Д.Г.1985:19-20)

1. Тилнинг энг кичик бирлиги фонемалар бўлиб, улар нутк товушлари ҳақидаги ижтимоий тасаввур маҳсуллари дир. Тилнинг фонетик сатҳида фонемалар миқдоран чекланган бўлса-да, мазкур тизим доирасида бир қанча минимал парадигмаларнинг ички поғонали муносабатини кузатиш мумкин. Хусусан, унли фонемаларнинг лабланган ва лабланмаганлиги, тил олди ва тил орқалиги, юқори тор, ўрта кенг ва қуйи кенг каби таснифий белгилари асосида улар минимал парадигмаларни ташкил этади. Ана шу парадигматик белгиларнинг инкорпоратив иерархияси туфайли унли фонемалар парадигмаси вужудга келади.

Морфем сатҳ бирликларининг систем яхлитлиги ва уларнинг ички бўлиниши асосида инкорпоратив иерархиянинг таъсири ўз ифодасини топади. Бинобарин, морфемалар ва уларнинг эркин ва боғлиқ каби турлари, боғлиқ морфемаларнинг сўз ясовчи, луғавий шакл ясовчи ва синтактик шакл ясовчи каби ички турларга ажралиши ҳамда ана шу бўлақларнинг бутун сифатида бирлашиши инкорпоратив иерархияга асосланади.

Бундан келиб чиқадики, инкорпоратив иерархия бевосита тил бирлиги асосида воқеланмайди, балки тил бирликлари воситасида юзага келади деган минимал парадигмалар ўртасидаги поғонали муносабатни ўзида акс эттиради. Ана шунга мувофиқ тарзда бундай иерархик муносабатни белгилашда бевосита тил бирлигига эмас, балки парадигмаларга таяниш лозим бўлади. Масалан, тилдаги синтактик шакл ясовчи морфемалар нисбий максимал парадигма сифатида баҳоланадиган бўлса, мазкур бутунликнинг таркиб топишида келишик, эгалик ва шахс-сон каби грамматик категорияларга мансуб бирликларнинг инкорпоратив иерархияси муҳим аҳамият касб этади.

